Гос. библиотека СССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ИЙЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

22 ИЮЛЬ, 1982 ЙИЛ, ПАЙШАНБА № 167 (2.373). Баҳоси 3 тийин.

МЕВА, КАРТОШКА ТОПШИРИШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Тошкент райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини ҳаётга изчил тадбиқ эта бориб, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларидан руҳланган ҳолда, Озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш учун ўзаро социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар. Соҳибкор ва боғбонлар СССРнинг 60 йиллиги тўйини муносиб меҳнат совғалари билан қарши олишга ахд қилишган. Шу мақсадда астойдил меҳнат қилаётган қишлоқ меҳнаткашлари 20 июль куни давлатга мева ва картошка сотиш йиллик планини муддатидан илгари адо этдилар. Эл дастурхонига 4510 тонна мева, 15710 тонна юқори сифатли картошка етказиб берилди.

Район меҳнаткашлари ҳозиргача 50 минг тоннадан ортиқ ҳар хил ноз-неъмат топширишга эришдилар. Бу мева-сабзавот маҳсулотлари топшириш йиллик планининг 53 проценти демакдир. Шунингдек, карам етказиб бериш топшириғи ҳам ошириб бажарилди. Давлатга 25 минг тонна карам, 5 минг тонна бодринг, 850 тонна саримсоқ пиёз етказиб берилди. Бутуниттифоқ фондига 20 минг тоннадан ортиқ сабзавот маҳсулотлари топширилди.

Район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ички имкониятларини ҳисобга олиб яна давлатга пландан ташқари 7300 тонна, жами 23 минг тонна картошка етказиб бериш мева реализация қилиш топшириғи икки йиллик планини бажаришга ахд қилдилар.

БИЗ—СОВЕТ ХАЛҚИМИЗ

Бугунги кунда ягона оила ҳис-туйғуси қалбларимизда яшаб келаётган Ватанга муҳаббат билан, унинг зафарларидан фахрланиш билан чамбарчас қўшилиб кетган. Бундай ҳис-туйғу рус ва украинга, белорус ва қозоққа, тожик ва эстонга, бошқирд ва ёқутга —100 дан ортиқ миллат ва элатлардан иборат бўлган биз, ватандошларнинг ҳаммамизга хосдир. Биз миллионлармиз, бироқ ягонамиз, биз одамларнинг янги бирлигини вужудга келтирдик, унинг номи —Совет халқи.

Бизнинг бирлигимиз олмос мисол мустаҳкам. Худди олмос ўзининг турфа рангли қирралари билан товланиб турганидек, совет халқининг бирлиги ҳам миллатларнинг ранг-баранглиги билан ёрқин жозиба касб этади, бу миллатларнинг ҳар бири бой, тўлақонли ва бахтли ҳаёт кечирмоқда. Улар шонли юбилей —СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигини аҳил оила бўлиб қаршиламоқдалар, ўзларининг бутун куч-ғайратларини КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми тарихий қарорларини амалга оширишга, юбилей йили ва умуман беш йиллик планларини бажаришга қаратмоқдалар. Бу оиланинг ҳамма аъзолари тенг. Уларнинг меҳнати, уларнинг ташвиш ва қувончлари, уларнинг ютуқ ва орзулари муштаракдир.

«ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг тарихий аҳамиятини, мамлакатимиз барча миллат ва элатларини интернационал жипслаштиришда ишчилар синфининг, КПССнинг ролини ғоявий таъсирнинг барча воситалари билан кенг кўламда кўрсатиш лозим», —дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Грузия ССР партия ташкилотларининг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига тайёргарлик кўриш борасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишлари тўғрисида»ги қарорида. Бу қарорнинг қабул қилиниши халқларимиз бирлигини мустаҳкамлаш борасида партия кўрсатаётган ғамхўрликнинг янги ифодаси бўлди.

Халқларнинг ленинча дўстлиги жангу-жадаллар оловида синовдан ўтди, бунёдкорлик кунларида мустаҳкамланди. Магнитка, Турксиб, Днепрогэс, қўриқ —булар мамлакат таржимаи ҳолидаги шунчаки сатрлар эмас. Меҳнат кишиларининг буюк қардошлиги, ягона оила ҳис-туйғуси бирталикда ишлаш ва курашишда чиниқди, мустаҳкамланди, совет халқи шаклланди. Бу одамларнинг тарихан янги социал ва интернационал бирлигидир. У —хўжалик ва бутун ижтимоий ҳаётнинг тобора ўсиб бораётган интернационаллашуви, мамлактимиздаги социалистик миллатларнинг ривожланиши натижаси бўлиб, бу миллатлар ўртасида чинакам тенг ҳуқуқлилик, қардошларча ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик, ҳурмат ва бир-бирига ишонч муносабатлари қарор топгандир.

Совет кишилари биз яқинда қабул этилганлигининг беш йиллигини нишонлайдиган СССРнинг янги Конституциясини ривожланган социалистик жамият ҳаётининг Асосий Қонуни деб атадилар. Унда социалистик демократиянинг жуда катта имкониятлари зўр куч билан яна бир бор ўз аксини топди.

Барча миллат ва элатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун ғоят қисқа муддатларда шу қадар кўп иш қилган бизнинг социалистик Ватанимиз каби давлат тарихда ҳеч қачон бўлган эмас. Миллий чекка деган тушунча ўтмиш бўлиб қолди. Чор Россиясининг чеккаларида яшаган халқлар ингирманчи асрга кеч қолиб, феодал, баъзи ҳатто уруғчилик тузумининг қолдиқлари билан қадам қўйган бўлсалар-да, улар мамлакатнинг бошқа халқлари, энг аввало рус халқининг беғараз ёрдами билан тараққиёт сари катта сакраш қилдилар.

Бугунги кунда Совет республикалари иқтисодий ривожланиш даражаларини тенглаштириш асосан ҳал этилган. Уларнинг экономикаси ягона халқ хўжалик комплексига қўшилиб кетди. Умумиттифоқ муаммоларини ҳал этишда ҳар бир миллатнинг роли ўсмоқда, ҳар бир миллат манфаатлари совет халқининг умумий манфаатлари билан тобора мустаҳкамроқ боғланиб кетмоқда. Бизнинг йўлимиз, деб таъкидланади КПСС XXVI съезди ҳужжатларида, —ҳар бир республиканинг моддий ва маънавий потенциалини кучайтиришдан, айни пайтда ундан бутун мамлакатни ўйғун ривожлантириш учун фойдаланишдан иборатдир.

Сибирь, Узоқ Шарқ ва Шимол, Қозоғистон ва Ўрта Осиё табиий бойликларини ўзлаштириш, БАМ қурилиши, РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасини қайта қуришни барча республикалар меҳнаткашларининг куч-ғайратини бирлаштирмасдан туриб амалга оширишни тасаввур этиш қийин. Бу қурилишлар фақат ўз миқёслар билангина фарқ қилиб қолмайди. Бу ерда, кўп миллатли коллективларда меҳнат турли халқлар маънавий маданиятлари билан ҳам бойиди.

Мамлакатнинг собиқ чеккаларида саноатнинг ривожланиши билан бирга малакали миллий кадрлар ҳам ўсиб, воғга етди. Уларнинг қўли билан бугунги кунда программа ёрдамида бошқариладиган станоклар, атом реакторлари ва космик кемалар бунёд этилмоқда. Ўз ёзувига эга бўлмаган халқлар орасидан истеъдодли олимлар ва ёзувчилар, врачлар ва инженерлар етишиб чиқди. Деҳқонинг социал қиёфаси, унинг турмуш шароити сифат жиҳатидан ўзгарди. Бизнинг жамиятимизда миллатларнинг бир хил социал-синфий структурасига эришилди — уларнинг барчаси ишчилар, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлиларидан ташкил топгандир. Улар ўртасидаги иттифоқ мустаҳкамланмоқда —совет кишилари марксча-ленинча идеологиянинг, маънавий ва маданий бойликларнинг муштараклиги билан жипслашгандирлар.

Халқларнинг ленинча дўстлиги, совет кишисининг интернационализми турли қирраларда намоён бўлмоқда. Бахри ва Шоахмад Шомахмудовлар ўн олти болани катта қилдилар. Уларнинг ўзи ўзбек, аслан тошкентлик бўлиб, фамилияларини олган болалар турли миллат вакиллари: ўзбеклар, руслар, татарлар, яҳудийлар, чувашлар, молдаванлардир. Уруш йиллари Бахри ва Шоахмад ўз ота-оналаридан ажудо бўлган турли халқларнинг болаларини асраб олдилар, ҳаммасини оёққа турғазиб, одам қилдилар. Бу оиладан темирчи ва врач, шофёр ва қонич, тикувчи ва инженер етишиб чиқди. Бугунги кунда амалдаги интернационализм —бу энг аввало мамлакатимиздаги барча халқларнинг умумий фаровонлик учун ҳалол, виждонан меҳнати, умумдавлат манфаатларини идоравий, маҳаллий манфаатлардан юқори қўя билиш демакдир.

Ҳуқуқ ва бурчлардаги, орзу-ўй ва муваффақиятлардаги тенгликкина халқларнинг самимий дўстлигини вужудга келтиради. Ривожланган социализм катта ва кичик барча миллатларга давлат ҳамда жамият ишларини бошқаришда тобора кенг ва бевосита иштирок этиш учун реал имкониятлар яратиб берди. Советларнинг барча бўғинлари составида мамлакатдаги юздан ортиқ миллат ва элатнинг вакиллари бор. СССР Олий Советига 61 миллатдан депутат сайланган. Совет кишилари халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловларда ўзларининг бирлигини, Коммунистик партия атрофидаги жипслигини янги куч билан намойиш этдилар.

Биз —совет кишиларимиз. Бу билан фахрланамиз. Чунки совет халқи, Леонид Ильич Брежнев таъкидлаб ўтганидек, ғоят меҳнатсевар, мард, чидамли, сахий қалб, истеъдодли ва донишманд халқдир. У ўз муваффақиятларидан кибрланмайди, айни пайтда бу муваффақиятларни камситмайди ҳам. У бошқа халқларнинг қувонч ва ташвишларига ҳозиржавоб, адолат, озодлик, социал-тараққиёт учун курашда уларга ёрдам бериш таёрдир. Совет халқи —чинакам буюк, қаҳрамон халқ!

(«Известия» газетасининг 21 июлдаги бош мақоласи).

«Правда» газетасининг саволларига Л. И. БРЕЖНЕВнинг жавоблари

Савол: «Сиз ҳозирги вақтда Ливанда ва унинг теварагида вужудга келаётган вазиятга қандай баҳо берасиз?

Жавоб: Ливандан ҳар куни қаҳр-газаб уйғотувчи мудҳиш хабарлар келиб турибди. Ливан диёрида ёвузлик қилаётганлардан газабланмоқдалар. Минг-мингдаб Ливанликлар ва фаластинликлар босқинчилар қўлидан ҳалок бўлди, ҳунрезлик эса тўхтатилган эмас. Ливаннинг пойтахти Байрут вайрон қилинмоқда. Исроилнинг ҳаракатлари қирғинчиликдан бошқа нарса эмас.

Исроилнинг ўз босқинчилик агрессиясини ҳануз давом эттираётганлигига сабаб нима? БМТ Хавфсизлик Кенгашининг босқинчилар қўшинларини Ливан тупроғидан дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетишни талаб этаётган қарорларини Исроил назарисанд қилмаётганлигига сабаб нима? Исроил жаҳон жамоатчилик фикрига эътибор қилмаётганлигининг боиси нима? Бунинг боиси шуки, номи ҳаммага яхши маълум бўлган давлат — АҚШ уни қўллаб-қувватлаб турибди.

Биз Совет Иттифоқидагилар фаластинликларнинг, Исроил ҳарбийларига қаттиқ қаршилик кўрсатаётган барча кишиларнинг мардлигига қойил қоляпмиз. Фаластин проблемаси қанчалик мураккаб бўлмасин, Фаластин халқи қандай қийинчиликларни бошдан кечирмасин, бундан қатъий назар бир нарса равшан: Фаластин проблемаси жуда ҳам чигал масала эмас, бу масалани зўравонлик билан ҳал этиб бўлмайди. Фаластинликлар шу қадар фожиали вазиятда кўрсатаётган сабот-матонат эса улар жонли халқнинг жонли ишини ҳимоя қилаётганликларини ва уларни енгиш мумкин эмаслигини янада зўр куч билан тасдиқлайди.

Шундай қилиб муайян хулоса чиқариш мумкин: Исроилнинг агрессияси унинг учун катта енгилиш ва маънавий маглубиятга айланмоқда. Исроил халқаро майдонда тобора кўпроқ яккаланиб қолмоқда.

Буни Исроилнинг ўзида ҳам тушуна бошлаган кишилар сони ортиб бораётганлигини айтиб ўтиш керак. Совет Иттифоқи бир неча бор айтиб ўтганидек, Фаластин давлатини вужудга келтириш Фаластин араб халқининг проблемасини ҳал этишнинг энг яхши, реалистик йўли эканлигини англаш ҳам бутун жаҳонда кенгайтиб борянти.

Ливандаги воқеалар совет раҳбарларининг доим диққат марказида турибди. Совет Иттифоқининг позицияси равшан: уруш олиб учирилиши, агрессия тўхтатилиши керак, Исроил қўшинлари Ливан территориясидан чиқиб кетиши лозим.

Яна шуни ҳам илова қилиб айтаманки, бизнинг мамлакатимиз агрессор олдида бўйин эгмайдиган, бу регионда масалани адолатли ҳал этиш ва тинчлик ўрнатиш учун ҳаракат қилаётган кишиларга ёрдам ва мадад бериб келди, бундан буён ҳам уларни қўллаб-қувватлайберади.

Савол: Сизнинг фикрингизча, шу мақсадга эришмоқ учун биринчи навбатда қандай тадбирларни кўриш керак?

Жавоб: Аввало, Исроил ва АҚШ БМТ ҳавфсизлик кенгашининг суверен Ливан давлатига қарши агрессияни тўхтатиш ҳақидаги ҳамда Исроил қўшинларини дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қарорини бажариши зарур.

Энг биринчи навбатда турган ва сира ҳам кечиктириб бўлмайдиган чора ҳақида гапирадиган бўлсак, Исроил қўшинларининг Байрутни қамал қилиб туришга чек қўйиш зарур. Биз бу йўлдаги биринчи қадам сифатида Ғарбий Байрутни ҳимоя қилаётган кучлар билан Исроил қўшинларини бирбиридан узоқлаштириб қўйишга қарши эмасмиз.

Шу мақсадда БМТ кучларидан фойдаланиш мумкин бўлур эди. БМТ муваққат кучларининг қисмлари Хавфсизлик Кенгашининг қарорига биноан Ливанда турганлиги учун ҳам шундай қилиш мумкин. Америка қўшинларининг Ливан тупроғида пайдо бўлишига бундан буён ҳам қатъиян қарши чиқамиз, албатта. Биз бу хусусда огоҳлантириб ҳам қўйганмиз.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ни истаймаки, Исроилнинг ҳарбий авантюрасига қарши курашаётган кучлар нечоғлик кўп жипслашса, агрессияни жиловлаб қўйишни талаб этаётган давлатлар сони нечоғлик кўпайса бу агрессияга шу қадар тез ва шу қадар мустаҳкам равишда чек қўйилади.

Очиғини айтсак, ҳозирги кескин вазиятда арабларнинг бирлиги жуда муҳим аҳамият касб этади. Биз қаттиқ ишонамизки, бу бирлика халақит берадиган нарсалар ҳозирги огир пайтда бир чекка ва йиғиштириб қўйилиши керак. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда араблар фаластинликларнинг хавф-хатарсиз яшаш, мустақил ривожланиш ва ўз давлатини вужудга келтириш ҳуқуқини таъминлаш учун лозим бўлган тадбирларни бир ликда белгилаб чиқишлари зарур эканлиги тобора аниқ ва равшан бўлиб қолмоқда.

Охирги масала. Ливанда бўлаётган воқеалар Яқин Шарқ проблемасини адолатли ва кенг кўламда ҳал этиш учун бутун масъулиятни сезган ҳолда жиддий иш бошлаш пайти келмадимикан деган саволни беришга яна мажбур этади! Агрессия ҳуружлари ва ҳарбий можаролар билан тўлиб-тошган ўн йилликнинг ачиқарли тажрибаси сепарат битимлар тузиш йўли каби қуролли конфронтация йўли ҳам Яқин Шарқ проблемасини ҳал этмади ва ҳал этиши ҳам мумкин эмаслигини кўрсатди. Бу проблемалар манфаатдор барча томонларнинг, шу жумладан, Фаластин халқининг бирдан-бир қонуний вакили бўлмиш Фаластин Озодлик ташкилотининг коллектив куч-ғайрати натижасидагина ҳал этилиши мумкин. Келажакка назар солар эканмиз, халқаро конференция чақириш тўғрисида биз киритган таклиф қимматли истиқболга эга эканлигини кўриб турибмиз. Бу конференция нечоғлик тез чақирилса, шу қадар яхши бўлади. Совет Иттифоқи Яқин Шарқда мустаҳкам тинчлик ўрнатишга ўз ҳиссасини қўшишни истаган барча кишилар билан ҳалол ҳамкорлик қилиб, бу йўлда амалий иш олиб боришга тайёрдир.

КРЕМЛДА СУҲБАТ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов амалий визит билан Москвага келган Италия саноат эгалари конфедерацияси (конфиндустрия) президенти В. Мерлонини 20 июль куни Кремлда қабул қилди.

Суҳбат вақтида барқарор ва доимий тус олган Совет—Италия иқтисодий алоқаларининг эришилган даражасидан мамнуният билдирилди ва бу алоқаларни ўзаро фойдали асосда янада кенгайтиришга томонларнинг тайёр эканлиги изҳор этилди.

Савдо соҳасида халқаро ҳамкорлик йўлида вужудга келган сунъий тўсиқларнинг бартараф этилиши жаҳонда вазиятнинг умуман соғломлашувига, тўғри иқтисодий-сиёсий системаларга мансуб давлатлар ўртасида яхши қўшничилик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қўшилган муҳим ҳисса бўлур эди, деб қайд этилди.

Суҳбатда ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари Н. Д. Комаров, СССРнинг Италиядаги элчиси Н. М. Луньков, шунингдек «Мерлони» компаниясининг президенти, Италия парламенти депутати Ф. Мерлони ва Италиянинг СССРдаги элчиси Ж. Мильюоло иштирок этдилар.

(ТАСС).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев ва Н. А. Тихонов ўртоқлар ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси Войцех Ярузельскийга ва ПХР Давлат Кенгашининг Раиси Генрик Яблоньскийга табрик телеграммаси йўлладилар.

Телеграммада бундай дейилади:

Миллий байрам —Польшанинг тикланиш куни муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва бутун совет халқи номидан сизларга ва сизлар орқали Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетига, ПХР Давлат Кенгаши ва Министрлар Советига, Польшанинг барча меҳнаткашларига самимий қутловларимизни йўллаймиз.

38 йил муқаддам социализм йўлини танлаб олган поляк халқи ишчилар синфининг авангарди —Польша ишчилар партиясининг, шундан кейин эса Польша Бирлашган ишчи партиясининг раҳбарлигида халқ ҳокимияти ва йилларда салмоқли муваффақиятларга эришди. Социализмгина Польшага чинакам мустақиллик келтирди, чегараларнинг даҳлсизлигини мустаҳкам гарантиялади, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиёт учун қулай шароитларни вужудга келтирди, Польшанинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксак даражага кўтарди.

Совет ва поляк халқларини социалистик интернационализм принципларига асосланган мустаҳкам дўстлиги, тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги, ўртоқларча ўзаро ёрдами Польшанинг социалистик йўлдан ривожланишини таъминлаган муҳим омилдир. Бу дўстлик Россия ва Польша пролетариатининг муштарак революцион курашида вужудга келди. Бу дўстлик фашизмга қарши курашда биргаликда тўкилган қон билан мустаҳкамланди ва СССР билан ПХР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома тузилиши натижасида, ҳар икки мамлакатимизнинг ҳар томонлама ҳамкорлиги мустаҳкамлана борган сари янги мазмун билан бойиди. ПХР партия-ҳукумат делегациясининг шу йил март ойида Совет Иттифоқига қилган визити ва бу визит давомида аҳдномалар тузилганлиги катта аҳамиятга эгадир.

Ҳалқаро вазият кескинлашган ҳозирги шароитда СССР ва ПХРнинг, социалистик ҳамдўстлиқдаги барча мамлакатларнинг иттифоқчиликка асосланган муносабатлари тинчлик ва барқарорликнинг, Европада чегаралар ва урушдан кейинги тузум даҳлсизлигининг муҳим омилидир.

Поляк коммунистлари, халқ Польшасининг меҳнаткашлари ўз байрами—тикланиш куни мураккаб ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятда кутиб олмоқда. Империалистик марказлар рағбатлантириб, қўллаб-қувватлаётган контрреволюция кучлари меҳнаткашларнинг социалистик талабаларига, ПБИПнинг социализм қурилишидаги раҳбарлик ролига қасд қилдилар, Польша социалистик давлати асосларини хавф остида қолдирдилар.

Совет кишилари ПБИП ва ПХР ҳукуматининг марксизм-ленинизм принциплари асосида ишчилар синфи партиясининг жанговарлик қобилияти ва авангардлик ролини мустаҳкамлашга, партия аъзоларини, Польшада социализмнинг ҳамма тарафдорларини контрреволюцияни узил-кесил тор-мор этиб, поляк меҳнаткашларининг халқ ҳокимияти ва социалистик ғалабаларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларини маъқуллайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар, АҚШнинг ва НАТОдаги бошқа мамлакатларнинг суверен Польша давлати ички ишларига сурбетларча аралашувини қатъиян қоралайдилар.

Ички контрреволюция ва империалистик кучларнинг Польшада социализм негизларига путур етказиш, социалистик ҳамдўстликнинг принципларини ва жипслигини заифлаштириш йўлидаги ҳамма ниятлари муқаррар барбод этилишига шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Варшава шартномасида қатнашувчи ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг аъзоси бўлмиш давлат сифатида Польша Халқ Республикаси Совет Иттифоқининг, бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг тўла мадади ва қўллаб-қувватлашига тамомила ишона олади.

Польша тикланишининг 38 йиллиги кунида барча совет кишиларининг ҳис-туйғуларини ифода этиб, сизларга, азиз ўртоқлар, Польша коммунистларига, Польшанинг барча меҳнаткашларига ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни нормаллаштириш, мамлакатда социализм позицияларини мустаҳкамлаш ишида муваффақиятлар тилаймиз.

(ТАСС).

КЎСАКЛАР МАРЖОН-МАРЖОН

Ҳар икки-уч кунда ғўзалар тупида янги-янги кўсаклар пайдо бўлмоқда... Ҳазорасп районидаги Фрунзе номли колхоздан СССР Олий Советининг депутати Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Салой Худойқулиев бригадаси далаларида ғўзалар жадал ҳосил тўпламоқда.

Пахтакорлар экинларга қатор оралаб ишлов бериш технологиясини анча такомиллаштирмоқдалар. Тупроқни яхшилаб юмшатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Далалар бегона ўтлардан тозаланди. Экинлар икки марта шарбат усулида суғорилди.

Карталарнинг чеккаларида фахрий беш бурчаклар пайдо бўлди. Бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитларида экинларни парвариш қилиш сифатига алоҳида талаблар қўйилди. Айрим участкаларда ўсимликларнинг ўсиши ва ҳосил тўплаши ўтган йилги даражадан бирмунча олдиндир. Ғўзаларнинг бақувват туплари бир нечтадан бўлиқ кўсак тугиб, кўзга таш лана бошлади.

Машҳур пахтакор бригадасида экиплар меҳр билан парвариш қилиниб, терим кампаниясига ҳам пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Илғор коллектив ҳосилнинг 95 процентини «энгори кема»лар бункеридан тўкишга қарор қилди. Барча терим агрегатлари «оқ олтин» мавсумига тахт қилиб қўйилди.

Ю. ИБРОҲИМОВ.
Хоразм области ЎзТАГ мухбири

Фарғона районидаги Ленин номли колхоз деҳқонлари ғўзаларнинг баравж ўсишини таъминламоқдалар. Бу ерда муҳим агротехник тадбир — ғўза чеканкаси бошланди. Чеканка ғўзаларнинг ривожига қараб, табақалаштирилган ҳолда ўтказилянти. Хўжалик азаматлари юбилей йилида гектаридан 40 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олишган. Тешабой Фозилов бошлиқ бригада заршунослариннг сувреси Ливан давлатига қарши агрессияни тўхтатиш ҳақидаги ҳамда Исроил қўшинларини дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қарорини бажариши зарур.

Суратда: колхоз правлениесининг раиси, ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Машраб Эгамбердиев (чапда), бригада бошлиғи Тешабой Фозилов ва механизатор Атҳам Ваққосовлар ғўза ривожини кўздан кечиришмоқда.

Н. Раҳмонов фотоси.

ЧОРВАЧИЛИК —ҚИШЛОҚДАГИ ЗАРБДОР ФРОНТ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

19—20 июль кунлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида 1982 йилнинг биринчи ярми якунларига кўра гўшт, сут, туҳум етиш тириш ва тайёрлашда, чорва ва паррандаларни кўпайтиришда қолоқликка йўл қўйган колхоз ҳамда совхозлар раҳбарларининг, шунингдек район партия комитетлари биринчи секретарларининг ҳисоботлари тингланди ва муҳокама қилинди. Хўжайли районидаги Энгельс номли, Олтинкўл районидаги Ленин номли, Уйчи районидаги Тельман номли, Навбаҳор районидаги «Москва», Иштиҳон районидаги «Правда», Охунбобоев районидаги «Победа», Гурлан районидаги «Қорақалпоғистон», Сариосиё районидаги «Ленинизм» Бобкент районидаги Тельман номли колхозларда; Пахтакор районидаги Ульянов номли, Ульянов районидаги Дзержинский номли, Меҳнатобод районидаги «Янгиер», Бўстонлиқ районидаги «Хўжакент» совхозларида чорвачиликни ривожлантириш юзасидан белгиланган тадбирларни бажариш борасидаги ишлар қониқарсиз эканлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нукус, Наҳбоскан, Коғон, Ғаллаорол, Усмон Юсупов, Учқўрғон, Жомбой, Сариосиё, Шўрчи, Боёвут, Ховос, Риштон, Фарғона, Навбаҳор районларида чорвачиликни ривожлантириш даражаси мутлақо қониқарсиз деб ҳисоблайди.

Область ва район партия комитетларига, хўжаликларнинг раҳбарларига қолоқликни тугатиш ҳамда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезднинг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Л. И. Брежнев республикага Ленин орденини топшириш чоғида Тошкентда берган кўрсатмалари асосида чорвачиликни ривожлантириш юзасидан белгиланган тадбирлар бажарилишини таъминлаш соҳасида кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА ГАЗЕТАСИ «ЖЕТКИНШЕК»НИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Пионерлар ва мактаб ўқувчиларини Ленин васиятлари руҳида коммунистик тарбиялаш соҳасидаги самарали ишлари учун ва чиқа бошлаган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан **Қорақалпоғистон республика газетаси «Жеткиншек»** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри
1982 йил 21 июль.

ЭЛ МАЪМУРЧИЛИГИНИ КЎЗЛАБ

О. АЛИМОВ,
Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министри

Совет халқи мана иккинчи ойдирки, КПСС Марказий Комитети май Пленумининг чуқур таассуроти билан яшамоқда. Ана шу Пленумда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси ва уни амалга ошириш тадбирлари тўғрисида»ги сермазмун ва ёрқин доклади муҳокама қилинди. Серқуёш Ўзбекистонимизнинг барча кишилари қатори министрлигимизнинг қўмнинг кишилик коллективи мазкур Пленум қарорини, СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасини юксак масъулият ҳисси билан қутиб олиб, уларни тўла-тўкис бажаришга киришди.

Сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева, узум етиштиришни ҳар томонлама кўпайтириш Озиқ-овқат программасининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумидан кейин бутун мамлакатда бўлгани каби республикамизда ҳам ана шу соҳаларни ривожлантиришга катта аҳамият бериб келинмоқда. Айниқса, кейинги йилларда бундай маҳсулотларни етиштириш жадал суръатлар билан кўпайди. Бунда республикамизда мамлакатда биринчилар қаторида 1975 йили агросаноат бирлашмаси тузилиб, ҳозирги пайтда эса у Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига айлантирилганлиги муҳим роль ўйнади. Ўтган ана шу давр мобайнида системамиз бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1,5 баравар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш эса 2 баравардан ортиқ кўпайди. Шу жумладан, сабзавот етиштириш 1,7 баравар, картошка — 2,6, мева—1,4, узум — 2,2, гўшт — 1,4, сут етиштириш эса 1,8 баравар ортди. Мева-сабзавот маҳсулотларини умумиттифоқ фонди билан нишонлайдилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар», деб таъкидлаб ўтди. Ноз-неъмат бунёдкорларимиз ана шундан келиб чиққан ҳолда юбилей йилида фидокорона меҳнат қиляптилар. Бу йил системамиз бўйича қариб 1 миллиард сўмлик саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилиши, 250 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилиши лозим. Ўтган олти ойлик натижалар кишини бир мунча қувонтиради. Ҳозиргача давлатга 90 минг тоннага яқин сабзавот, картошка, мева сотилди. Умуминттифоқ фондига эса 30 минг тоннадан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди.

Партия бизни доимо эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлашга, ўз фаолиятимизга танқидий кўз билан қарашга ўргатиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан фаолиятимизга назар ташлайдиган бўлсак бир қатор камчиликлар, нуқсонлар борлигини кўрамиз. Масалан, совхозларимизнинг учдан икки қисмида ҳосилдорлик бугунги кун талабларидан анча паст. Ана шу хўжаликларда ҳам ҳар гектар ердан олинадиган сабзавот ҳосилдорлигини 300—400 центнерга, картошка ҳосилдорлигини 200 центнерга, мева ва узум ҳосилдорлигини эса 150—200 центнерга етказиш муҳим резерваримиздан бири ҳисобланади. Пешқадам хўжаликларимизнинг, бригадаларнинг тажрибаси бу кўрсаткичларга эришиш мумкин эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентда бўлган пайтида ҳосилдорлик масалаларига алоҳида тўхталиб, қолоқ хўжаликларни илғорлар даражасига кўтариш лозимлигини уқдириб ўтганди. Сабзавотчиларимиз, картошкачиларимиз, боғбон ва соҳибкорларимиз бундан тегишли хулоса чиқариб олдилар, ҳар бир хўжаликда ҳосилдорликни ошириш учун амалий тадбирлар кўряптилар. Ана шу тадбирлар асосида бу йил мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни 1 миллион тоннадан ошириш учун курашмоқдамиз. СССР Озиқ-овқат программасини бажара бориб, ўн биринчи беш йиллик охирида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни 1,5 миллион тоннага, келгусида эса 2,3 миллион тоннага етказиш кўзда тутилмоқда.

Сабзавотчиликда давлат ва план интизомига қатъий амал қилинишга алоҳида эътибор бериляпти. Яъни сабзавот етиштириш планини умумий миқдорда эмас, балки ҳар бир маҳсулот тури бўйича бажарилишига эришиш диққат марказида турибди. Картошкачиликда эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленуми қарорлари биз учун асосий дастуриламал ҳисобланади. Пленум кўрсатмаларига амал қилиб, яқин йилларда республикамизда аҳолисини шу ернинг ўзида етиштирилган картошка билан таъминлаш учун барча резервларни ишга соламиз.

Боғдорчиликда ҳам план интизомига тўла-тўкис амал қилиниши эътиборимизда бўляпти. Чунки аввалги йиллар тажрибасидан маълумки, бир қатор хўжаликлар ҳўл меваларни янги узилган ҳолда савдо шохобчаларига ёки консерва саноатига етказиб бериш, омборхоналарда сақлашга қўйиш ўрнига виночилик корхоналарига топшириб юборадилар. Бу эса хўжаликнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатади. Ана шу ҳолга йўл қўймаслик мақсадида хўжаликларнинг бу борадаги фаолияти қатъий назорат қилиб бориляпти.

Майиз ва қуруқ мева тайёрлашни кўпайтириш министрлигимиз коллективи олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу йилнинг ўзидаёқ бундай маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтириш борасида сезиларли силжишга эришишимиз, айниқса уларнинг сифатини яхшилашимиз лозим. Ҳозирги пайтда хўжаликларимизда иш айнан шу мақсадларни кўзлаган ҳолда ташкил этилмоқда.

СССРнинг Озиқ-овқат программасида чорвачиликни ривожлантириш алоҳида ўрин эгаллайди. Бундан келиб чиққан ҳолда министрлигимиз бўйича ўн биринчи беш йилликнинг охирида сут ва гўшт етиштиришни 1,5 баравар, келгусида эса 2 баравар оширишимиз талаб этилади. Бу соҳадаги ишни ҳар томонлама ривожлантириб, шу йилнинг ўзида камида 100 минг тонна асосий чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, ўтган йилдагидан 18—20 процент ўсишга эришиш учун кураш олиб борилмоқда.

Чорвачилик соҳасидаги кўзланган марраларга эришиш корамоллар бош сонини, айниқса, сигирларни кўпайтиришга, маҳсулдорликни оширишга боғлиқ. Шуни кўзлаган ҳолда ўн биринчи беш йиллик охиригача корамолларнинг умумий сонида сигирларнинг салмоғини 36—40 процентга етказиш учун зарур тадбирлар кўрилмоқда. Системамиздаги ҳар бир совхозда дастлабки пайтда камида 200 бошдан, келажакда эса камида 600—800 бошдан қорамол бўлишига эришиш учун барча имкониятлар ишга солинади.

Озиқ-овқат программаси қишлоқ хўжалиги билан алоқадор бошқа тармоқларни ҳам ривожлантиришни тақозо этади. Бундан келиб чиққан ҳолда ўн биринчи беш йилликда министрлигимизнинг қайта ишлаш саноати жадал суръатлар билан ривожлантирилади. Ана шулар асосида ўн биринчи беш йиллик охиригача консерва ишлаб чиқариш 920 миллион шартли банкага, келгусида эса 1 миллиард 100 миллион шартли банкага етказилади. Бунинг учун қайта ишлаш саноатининг моддий-техника базаси янада ривожлантирилади. Шу жумладан, кейинги ўн йилда консерва саноатининг қувватлари 1,7 баравар оширилади.

Аҳолини бутун йил давомида мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш, уларнинг савдосини яхшилаш министрлик коллективи олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Эътироф этиш керакки, ҳозирги пайтда бу соҳадаги ишлар даражаси талабга тўла жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам етиштирилган маҳсулот даладан истеъмолчига нобудгарчиликка йўл қўймай, сифатли етказиб берилиши учун амалий чоралар кўриляпти. Шу мақсадда жойларда министрлигимизнинг ўз савдо шохобчалари ташкил этилмоқда. Шунингдек, етиштирилган ҳосилни қиш, баҳор мавсумига яхши сақлаш учун замонавий омборхоналар, музхоналар барпо этилади. Умуман ўн биринчи беш йилликда министрлигимизнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга деярли 800 миллион сўм капитал маблағ сарфланади. Шу йилнинг ўзида эса бу мақсадлар учун камида 170 миллион сўм маблағ ажратилади. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумидаги докладида «Партия, совет ва хўжалик органлари, касаба союзлари ва комсомол агросаноат комплекси қурилишларига муносабатни қатъиян ўзгартиришлари керак. Бу қурилишларни мамлакатнинг зарбдор қурилишлари деб билиш лозим», деб алоҳида уқдириб ўтганди. Ана шу кўрсатмалар кўплаб объектларнинг буюртмачиси бўлган министрлигимиз мутахассислар, инженер-техник ходимлари учун дастуриламал ҳисобланади.

Озиқ-овқат программасининг тўла-тўкис бажарилиши кўп жиҳатдан кадрлар танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалаларига боғлиқ. Шуни ҳисобга олган ҳолда бу масалага алоҳида эътибор бериляпти. Ҳозирги пайтда совхоз директорларининг 96 проценти олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислардир. Ўрта бўғин кадрлари ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Шу билан бирга бу соҳада анчагина камчиликлар борлигини айтиб ўтиш лозим. Бир қатор корхона ва ташкилотларда раҳбарлик ўринларига кадрларни тавсия этишда шошма-шошарликка йўл қўйилаётир. Баъзан эса раҳбарлар тез-тез алмаштирилади. Ҳозирги пайтда ана шу нуқсонларни бартараф этиш учун ҳамма ерда амалий тадбирлар кўриляпти.

Партиямиз Марказий Комитетининг Пленумида «Бу йил, жумладан, Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги учун жиддий имтиҳон йили бўлиши лозим», деб таъкидлаб ўтилди. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, министрлигимиз ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари бу имтиҳондан муваффақиятли ўтадилар, ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан СССРнинг 60 йиллик юбилейини муносиб тухфалар билан кутиб оладилар.

Сиз суратда кўриб турган бу аёл Сирдарё районидаги «Правда» совхозининг машинада сут соғиш оператори Гулчеҳра Саяқуловадир. У 20 йилдирки, соғувчилик касбини сидқидилдан эгаллаб келмоқда. Ўзига бириктирилган 26 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 4000 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишга аҳд қилган Гулчеҳра кунлик иш нормасини мунтазам ошириб бажаряпти. Дугоналари ўртасида обрў-эътиборга сазовор бўлаётган бу аёлни ферма меҳнаткашлари район Советига депутат қилиб сайлашган.

Р. Нуриддинов фотоси.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН — НОҚОРАТУПРОҚ ЗОНАГА

ДЎСТЛИК ДАЛАСИ

Новгород областидаги собиқ ориқ ерларнинг яна бир ярим минг гектари унумдор далага айлантирилди. Бу ерда зах қочириш системаларини қураётган ўзбекистонлик мелиораторлар шу ишни қилдилар. Ғаллакорлар бутун майдонга озуқа экиларини экдилар.

Хўш, бу муваффақиятларга қандай қилиб эришилди? Пухта саноат базаси, қурувчилар ва мелиорация техникаси учун ремонт устахоналари барпо этилди, бригада пудрати усули жорий қилинди. «Тошкент-1» ихтисослашган механизациялашган кўчма колоннасининг коллективи бу усулнинг иқтисодий устуилигини амалда исбот этди. Бу ердаги барча қурилиш-монтаж ишларининг қариб 60 проценти хўжалик методи билан, графикдан ўзиб бажарилмоқда ва моддий ресурслар, меҳнат ресурслари анча тежалмоқда. Кейинги йил ичида гидротехник объектлар қуришда 30 минг сўмдан кўп пул тежалди.

Хўжалик ҳисобидаги кўпгина бригадалар яхши ишламоқда. Масалан В. Поветкин, В. Фраерт, Т. Расуловнинг дренаж экипажлари ярим йиллик топшириқни тўртолти баравар ошириб бажардилар. Бульдозерчилардан Е. Трусов ва А. Редеров, якка чўмичли экскаватор машинистлари ога-ини Турдиевлар, кўп чўмичли экскаватор машинисти Б. Эшназаров, шофёр Н. Загидулли ва бошқа кўпгина кишилар икки нормадан бажаришяпти.

Экскаваторчи С. Мамутовнинг ташаббуси ва иштирокида «Тошкент-2» колоннасида очиқ магистрал каналларни қуришда ерни звено системаси қовлаш усули жорий қилинди. Ҳар бир звенода иккитадан агрегат бор. Шундан бири канал ишшаблигини олиб, уни белгиланган чуқурликка ковлайди, иккинчи звено эса ундан 15—20 метр нарида канал тубини текислаб ишшаблик тупроғини олади. Бунинг натижасида ишлар ана юришди. Новаторнинг ижодкорлиги шу билан чекланиб қолмадя. Унинг таклифи билан очиқ зовур қуришда қишда бирданига учта экскаватори солишади. Шундан бири барвақт, бутун бир смена олдин участкани белгиланган чуқурликка кавлайди. Чиқарилган тупроқни шу заҳоти бульдозерлар текислаб чиқади ва шундан сўнг қолган машиналар ишга тушади. Улар ишшабликларни ковлаб текислайди. Шундай қилиб экскаваторларнинг бекор қатнашларига барҳам берилади.

— Аммо «Ташкентский» совхозининг биринчи навбати қурилишидаги қолоқлик бизни ташвишлантирмоқда, — дейди «Узновгородводстрой» трестининг бошқарувчиси Г. Маградзе. — Бу ерда гап сув тозалайдиган иншоотлар, канализация иншоотлари, водопровод, қозонхона тўғрисида бораётир. Ҳозирча ишларнинг бешдан бир қисмигина қилинди. Буюртмачи — «Новгородсовхозстрой» дирекцияси муттасил панд беришб келмоқда. Машина-ускуналар комплектланмаган ҳолда—технологик занжирга мос келмаган ҳолда юборилаяпти. Бу нарса мелиорацияни қурилиши суръатлари ва сифатларига салбий таъсир кўрсатаяпти, албатта.

В. ЧЕРНЯЕВ,
ТАСС мухбири.
Новгород.

Республикамизда экинларни биологик усулда зараркунандалардан ҳимоя қилиш йилдан-йилга яхши йўлга қўйилмоқда. Бугунги кунда фақат пахтачиликдагина эмас, балки сабзавотчиликда ҳам бу усул қўл келмоқда. Қитоб районидаги Свердлов номли колхоз биолабораториясида энтомафаглар етиштириш яхши йўлга қўйилган.

Суратда: колхозчилардан Ўғилой Жалолова ва Фарогат Юсуповалар маккажўхорилари ҳашаротлардан ҳимоя қилиш мақсадида биофабрикада очирилган фойдали қушандалардан фойдаланмоқдалар.

Ш. Шаропов фотоси.

(ЎзТАГ).

БЎРДОҚИЧИЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ

«СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшамиз». Боғот колхозларароб бўрдоқичилик базаси чорвадорлари айни кунларда ана шундай жанговар шиор остида меҳнат қилиб, фермалар маҳсулдорлигини кескин ошириш, гўшт етиштиришни янада кўпайтириш йўлида астойдил кураш олиб бормоқдалар.

Базамиз асосан гўшт етиштиришга ихтисослаштирилган бўлиб, биз колхозлардан ўн беш кунлик бузоқларни бўрдоқига боқиб семиртириш учун қабул қилиб оламиз. Базамизга қабул қилинадиган бузоқлар асосан буқачалар бўлиб, улар дастлабки кунларданоқ кучайтирилган рацион асосида парвариш қилинади.

Ўтган йили бўрдоқига боқилган қорамолларнинг тирик вазни ўртача 400 килограммга етказилгандан кейингина сўқимга топширилди. Йил давомида давлатга 182 тонна семиз гўшт топширилиб, бу борадаги белгиланган план-топшириқ ошиги билан бажарилди. Ана шу миқдордаги гўштнинг асосий қисми семиртириш ҳисобига етиштирилди. Ўз боқимидаги молларнинг ҳар бирини суткасига 750—800 граммдан семиртиришга эришган Ғафур Юсупов, Ботир Абдукаримов, Матёқуб Абдуллаев сингари бўрдоқибоқарлар база коллективи эришган муваффақиятларга ўзларининг самарали ҳиссаларини қўшдилар. Авваллари бу ерда етиштириладиган ҳар бир центнер гўштнинг таннархи 220—250 сўмдан, баъзан ундан ҳам кўпроқдан тўғри келар эди. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 195 сўмдан тушди. Бу йил эса етиштириладиган гўштнинг таннархини яна ўн сўмга камайтирмоқчимиз.

Бу йил бўрдоқибоқарларимиз СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб, давлатга шундаги 180 тонна ўрнига 220 тонна семиз гўшт сотиш юзасидан зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олишган эди. Бу мажбуриятлар коллективнинг фидокорона меҳнати туфайли шараф билан бажарилянти. Йиллик план олти ой ичидаёқ ошириб ado этилди. Тайёрлаш пунктига 192 тонна бўрдоқи гўшти етказиб берилди. Ана шу маҳсулотнинг 95 тоннаси семиртириш ҳисобига етказилди.

Ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 410 килограммдан бўлди. Яқинда яна 175 бош қорамолни гўшт учун подадан алоҳида ажратиб олиб бўрдоқига боқишга киришдик. Уларни кучайтирилган рацион асосида парвариш қилиб, шу йилнинг иккинчи ярмида гўштга топширамиз. Бу — 1982 йилда гўшт сотиш юзасидан зиммамизга олган мажбуриятимизни ҳам ошириб бажариш имконини беради.

Қорамолларни тўйимли рацион асосида, зооветеринария қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда намунали боқиш маҳсулдорликни оширишнинг, хусусан, гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг бош йўлидир. Бунинг учун эса, аввало, базада боқиладиган молларнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, озуқабоп экин майдонларини кенгайтириш, уларнинг ҳосилдорлигини тубдан ошириш зарур. Биз худди шу йўлдан бормоқдамиз. Базанинг Ленин ордени кавалери Машариф Матназаров бошлиқ ем-хашак тайёрлаш участкаси коллективи бу борада асосий мутасаддилик қилишмоқда. Участкага бириктирилган майдонларнинг 100 гектарида дон учун, 200 гектарда кўпоя учун маккажўхори, 55 гектар ерда беда етиштирилмоқда. Маккажўхори майдонларининг ҳар гектаридан камида 450 центнердан кўпоя, белазорлардан эса 200 центнердан беда пичани етиштириш учун олиб борилаётган қизғин кураш Жуманиёз Олламазаров, Қодир Рўзибоев ўртоқлар бошлиқ звеноларда, айниқса, яхши йўлга қўйилган. Яқинда беданинг иккинчи ўрими ҳам тугалланди. Унинг ҳосилидан қишлов учун анча миқдорда сенаж тайёрлаб қўйилди. Бу йил бостириладиган силос уч минг тоннадан, жамғарадиган қатагал-хашак эса икки минг тоннадан кам бўлмайди.

Муваффақиятларга ўзўзидан эришилмайди, албатта. Уни кадрлар қўлга киритишади. Шунинг учун чорвадорларимизнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини оширишга, пешқадамларни муттасил рағбатлантириб боришга, уларга қулай иш шароитлари яратиб беришга, бўрдоқибоқарлар ўртасидаги ижодий меҳнат беллашувига тўғри раҳбарлик қилишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Уларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларини ташкил этмоқдамиз, оммавий-сиёсий, агитация-пропаганда ишларини талаблар даражасида олиб бормоқдамиз.

Базанинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш йўлида ҳам анча ишлар қилинмоқда. Жумладан, айни пайтда 100 бош бузоқ сиғадиган бузоқхона бунёд этилмоқда. Ана шу тадбирнинг ўзи ҳам базада маҳсулот тайёрлаб чиқаришни яқин йиллар ичида анча ошириш имкониятини беради. Ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб базамизда йилига ўртача 300—350 тонна, ўн иккинчи беш йилликда эса қариб 500 тоннагача гўшт етиштириладиган бўлади. Бунинг учун эса тегишли саноат корхоналари, биринчи галда омухта ем тайёрлайдиган корхоналар билан алоқаларимиз яхши йўлга қўйилиши лозим. Биз бу борада ҳам қатор тадбирларни рўёбга чиқаришни назарда тутмоқдамиз. Булар гўшт етиштиришни янада кўпайтиришга, унинг сифатини яхшилашга яқиндан ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленуми қарорларига асамат чорвадорларимизнинг амалий жавоби бўлади.

Қ. ИУЛДОШЕВ,
Боғот колхозларароб бўрдоқичилик базаси директори,

С. СОБИРОВ,
база партия ташкилотининг секретари.

ҚАЛБ АМРИ БИЛАН

Аҳаднинг болалик ва ёшлик йиллари Ғаллаорол районидаги Қўйтош посёлкаси яқинидаги Ўғат қишлоғида ўтди. Қўйтошдаги А. С. Пушкин номли ўрта мактабни тамомлаганидан кейин у Тошкентга жўнаб кетди. 1965 йили Тошкент қурилиш техникумини муваффақиятли тамомлаган Аҳад ҳарбий бурчини ўташ учун Армияга отланди. 1968 йил Армия сафидан қайтиб келган Аҳад бир йилча Чордара санитария-техника механизациялашган кўчма колоннасининг Ғаллаоролда жойлашган участкасида ишлади.

Унинг қалбига чўлқуварлик ишқи сира кутилмаганда тушди. Умрининг кўп йиллари чўл батрида қайноқ меҳнат оғушида ўтган, ҳозирги кунда эса «Джизакстепстрой» территориал бошқармасига қарашли «Бустанводстрой» трестининг 25-механизациялашган кўчма колоннасига бошчилик қилиб келаётган Сандқул Эгамқулов кунлардан бир куни дўсти Аҳадга шундай деб қолди:

— Чўлга бориб ишлашга иштёқинг қандай? Тўғрисини айтиб қўй, у ерда иш унчалик осон эмас. Бу ердагилай соя-салқин жойлар кам. Лекин ишласа, яшаса бўлади. Бу албатта, вақтинчалик гап. Кейин ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Аҳаднинг бироз жаҳли чиқди.

— Сен мени ким деб ўйловдинг, оғайни, — дели у лўнда-лўнда қилиб гапираркан. — Қийинчилик ҳамма жойда ҳам бор. Шароитни эса ўзимиз яратишимиз керак. Гап бундай, қани бошла мени ўша чўлга.

Дўстининг таклифи сабаб бўлими, ишқилиб 1969 йили Аҳад чўлга келиб қолди.

«Голодностепстрой»нинг Пахтакорда жойлашган йўл-қурилиш ва ремонти бошқармасида мастер бўлиб ишлай бошлади. Ўшанда бошқарма бошлиғи Адҳам Юнусов деган киши эди. Адҳам Юнусович меҳрибон, айни пайтда қаттиққўл раҳбар бўлиши билан бир қаторда ўз ишининг ғоят билимдони ҳам эди. Бошқарма асосан янги йўллар қуриш билан шуғулланарди. Асфальтни технологияга риоя қилган ҳолда қандай ётқизиш керак? Мазут аралаштирилган шағални техника ёрдамида неча марта аралаштириш лозим бўлади? Йўлнинг «гармошка» бўлиб қолмаслиги, тез бузилиб кетмаслиги учун қандай тадбирларни қўлламоқ зарур?

Ана шундай пайтларда Адҳам Юнусович ва участка бошлиғи Абдужаббор Жўраевлар ишнинг сир-асрорини ишчиларга ва ёш кадрларга эринмай ўргатишарди. Шунингдек, Аҳад Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, тажрибали йўл мастери Шахобиддин Юсупов ҳамда прораб Ғанижон Холматовларни фахр ва ифтихор туйғусила эслайди. Айниқса, Шахобиддин ака сира тиниббтинчимасди. Айтиш мумкинки, у ҳар бир ишда — у гоҳ катта бўлсин, гоҳ кичик бўлсин, интизом ва юксак талабчанлик бўлишини истарди.

Ғанижон Холматов ҳам шундай талабчан, қаттиққўл эди. У доим бирон янгилик ўйлаб топишга ҳаракат қиларди. Мабодо бирон ишчи ишни ҳафсаласизлик қилиб, чала бажара бошладими, тамом, Ғанижоннинг ўзи ишга киришиб кетарди. Бундай ҳолларда четдан қараган кишига жуда ғалати туюларди. Фараз қилинг: давангирдай ишчи қўлларини ишга солинтириб, типпа-тик турибди. Ҳижолат чекканидан қизариб-бўзариб кетган. Ғанижон эса «миқ» этмай ишни ўзи қиляпти. Ҳар бир ишни пухта ва аниқ бажаради. Ишни бажариб бўлгандан кейин ҳам ишчига оғиз очмайди. Гўё у ёнида йўқдек бепарво жўнаб қолади.

Аҳадни янги ишлар кутарди. У 1971 йили «Голремстепсовхозстрой» трестининг 43-механизациялашган кўчма колоннасида меҳнатга ҳақ тўлаш бўлимида ишлай бошлади. Бўлимда инженер вазифасида ишлаш кишидан катта масъулият талаб қиларди. Аҳад шу соҳада 1978 йилгача ишлади. Ўша йилдан эътиборан Пахтакор районида жойлашган «Джизакирмонтаж» трестига қарашли 7-механизациялашган кўчма колоннада прораб бўлиб ишлаб келяпти.

Колоннанинг иш кўлами анча кенг: асосан совхозларда яшовчи ишчи-хизматчиларнинг хонадонларига ва бошқа маданий-маиший муассасаларда иситиш шохобчалари, қувурлар, батареяларни монтаж қилади. Кўчма колонна асосан Пахтакор, Арнасой, Октябрь районларига хизмат кўрсатади. Арнасой районидаги Ю. Фучик номли совхоз, Октябрь районидаги Ф. Хўжаев номли, Ҳ. Олимжон номли совхозларда қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳар бир совхозда кўчма колонна кучи билан сув ҳавзалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳар бир хонадон, мактаб, болалар боғчалари ва бошқа объектларга тоза ичимлик сув олиб келиш учун қувурлар ётқизилди.

Бу ишларнинг тез, соз ҳамда сифатли бажарилишида ажойиб прораб Аҳад Номозовнинг хизматларини айтиб ўтиш керак. Бу тиниббтинчимас чўлқувар жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. 1969 йили шонли Ленин партияси сафига қабул қилиниши Аҳад Номозов кўчма колонна бошланғич партия ташкилоти секретарининг ўринбосари, шунингдек, сиёсий ахборотчи, тажрибали агитатор ҳамдир.

Ҳа, Аҳаджон чўлда чиначакам бахт топганлардан. Уни кўчма колоннада ҳамма бирдек ҳурмат қилади. У ўзининг ҳалол хизматлари учун «Джизакстепстрой» территориал бошқармаси ҳамда Пахтакор район партия комитети ва район Совети ижроия комитети томонидан бир неча марталаб Фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо эсталик совғалари билан тақдирланган. Бу обрў-эътиборга у ўзининг ҳалол меҳнати, ҳар бир ишга коммунистик виждон билан ёндашиши туфайли эришмоқда. Дарвоқе, худди Аҳад Номозовга ўхшаган бахтли кишилар бепоён Жиззах чўлини гуллатаётганлар орасида юзлаб, минглаб топилади.

А. БАРАТОВ.

ЮРАК ЁНМОҒИ КЕРАК

«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИНГ РАҲБАРЛАРИГА ҲАМ КЎП НАРСА БОҒЛИҚ. ИШБИЛАРМОН, ЖОНКУЯР, ОДАМЛАР БИЛАН ИШЛАШГА МОҲИР КИШИ БОШЧИЛИК ҚИЛАЕТГАН УЧАСТКАДАН КЎНГИЛ ТУҚ БЎЛАВЕРИШИ МУМКИН. БУНДАЙ РАҲБАРЛАРНИ ЎЗ ЎРНИНИ ТОПГАН КИШИ, ДЕЙДИЛАР».

Л. И. БРЕЖНЕВ.

СССРнинг Озиқ-овқат программаси ва хўжалик коммунистлари, барча меҳнаткашларининг вазифаларига бағишланган партия йиғилишининг эртасига Турғун ака қадрдон бригадаси шийпонига келганида ҳамкасблари уни сабрсизлик билан кутиб туришарди. Бригадир колхозчиларга меҳр ва ҳавас билан назар ташлади. Партия қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг долзарб вазифаларини ўртага қўйган дамларда улар зўр онглилик ва уюшқоқлик кўрсатиб, маъмурчилик учун курашга енг шимаришганликлари кўнглини тоғ қилиб юборди.

— Азизлар, — гап бошлади Турғун ака вазмин оҳангда. — Кимнинг ким эканлиги маълум бўладиган дамларда бир-биримизга нисбатан талабчанликни янада ошириб, ташаббускорлик кўрсатиб ишлайлик. Коллективимизнинг биронта аъзоси умумхалқ курашидан четда қолмасин. Сизларнинг меҳнатсеварлигингиз, тадбиркорлигингизга ишониб, кечаги партия йиғилишида мажбурият бажарилади, сифатли ва арзон маҳсулот етштирамиз, деб ваъда бердим. Қўлни қўлга берайлик. Ҳар бир кунни қувончли меҳнат ютуқлари билан якунлайлик.

— Айни дилдаги гапни айтдингиз, устоз, — қўллабқувватлаш уни звено бошлиғи Шариф Шаропов. — Звеномиз аъзолари КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларига жавобан планга қўшимча равишда 2 тонна сабзавот уруғи тайёрлашга аҳд қилдилар.

Шундан сўнг комунистлардан М. Одилов, А. Мавлонов Б. Аъзамовлар ҳам дил сўзларини айтиб, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш йўлида ҳар қачонгидан баракали меҳнат қилишга азму қарор қилдилар.

Кўп ўтмай Турғун ака Хожиев бошлиқ бригада ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, 130 гектар ердан 40 тонна аъло навли уруғлик помидор, 1,2 тонна уруғлик лавлаги етиштириш тадбирлари тер тўкаётган кишиларни бригада бошлиғи сифатида қадрлайди, эъзозлайди. Район партия комитети соҳибкорнинг узоқ йиллик ҳалол хизматларини инобатга олиб яқинда енгил машина билан мукофотлади. У машинани далага миниб келади. Барча бригадирни янги машина билан қутлашга шай ланишади. Шунда Турғун ака жилмайганча машина калитини оддий колхозчи Насиб Гуломовнинг қўлига тутқазди.

— Насибжон жўжабирдай жон, бунинг устига кейинги ойларда вақт билан ҳисоблашмай, сидқидилдан меҳнат қилянти. Хўжалик раҳбарлари билан келишиб, машинани унга беришга қарор қилдик. Ўшанда бригада аъзолари ўз мураббийларининг фазилатлари билан янада яқинроқ танишгандай бўлишди.

Топширилган иш учун юксак масъулият туйғусини сездирган, шунинг ўзида анча сут йўқотдим, деяверинг. Унутманг, жониворлар ҳам ҳамма нарсани сезади. Мақсадга эришаман деган чорвадор уларни меҳр-муҳаббат билан парваришлайди. Озуқасидан доимо хабардор бўлади. Хўп десангиз бугундан бошлаб мусобақалашиб ишлаймиз. Мақсад — бир-биримиздан ўрганиб, кўпчилик олдида берган ваъданинг устидан чиқиш. Охир яқинларинда партия сафига қабул қилинлингиз. Ҳар ишда бошқаларга намуна бўлиш — коммунистларнинг муқаддас бурчи.

Вақт ўтиши билан ижи дугона мусобақа шарофати туфайли сут салмогини кескин оширишга эришдилар. Бу каби зарбдорларнинг шарафли меҳнати туфайли колхоз давлатга шу йилнинг ўтган ярим йили ичида плондагидан 3 тонна кўп сут топширишга муваффақ бўлди. Сут соғувчилар юбилей йилида ҳар бош сигирдан камида 4000 килограммдан сут соғиб олиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Меҳрибон Тожиева ўз ўрнини топган бундай ажойиб кишилар ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилиб берди. Унинг таъкидлашича, колхоз партия ташкилоти коммунистларнинг тадбиркорлиги ва ташаббускорлигига суянган ҳолда кадрлар сиёсатини изчил амалга ошириб келмоқда. Масъулиятни унутиб қўяётган баъзи кишилар фаолиятига принципиаллик билан баҳо берилянти. Чунончи, Р. Муҳаммадалиев, О. Абдуллаев каби бригада бошлиқлари кейинги пайтларда лозим даражада тадбиркорлик ва қатъиятлик кўрсатолмаётганликлари коммунистлар томонидан қаттиқ танқид остига олинган эди. Бироқ улар танқиддан тўғри хулоса чиқариб олмадилар. Оқибатда 6 ва 7-бригадаларда иш орқага кетиб планлар бажарилмай қолди. Юқоридаги икки бригада бошлиғи ўз вазифасидан четлатилди. Кувончлиси шуки, улар ўз хатоларини вақтида тушунилар. Ҳозир эл қатори силқидилдан тер тўкишянти. Бунда Турғун Хожиев, Моҳира Шодмонхожиева каби тиниб-тинчимас коммунистларнинг муносиб хиссаси бор. Бундай ажойиб фазилатли кишилар бор экан, доимо, ҳар қандай шароитда ҳам муваффақиятларга эришилаверади.

С. РЎЗИМАТОВ.
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Наманган областидаги 3-гнит заводи коллективи амалдаги йилнинг етти ойлик план-топшириқларини бажарганлиги ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекди. Бу даврда 12 миллион 800 минг дона пишиқ гнит тайёрланди.

Суратда: корхонанинг илгор ишчилари Расулбой Тожибоев ва Абдусалом Жабборовлар.

Ҳ. Ҳайдаров фотоси. (ЎзТАГ).

КОММУНИСТ НОМИ ШУНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

шаббуси билан майдонга чиқди. Бу кутилган ҳол эди. Нега десангиз, коммунист Т. Хожиев Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозидагина эмас, балки областда танилган уста сабзавоткорлардан бири. Ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлик, принципиаллик кўрсатиш унинг энг яхши фазилатларидан. Ҳар бир масалага давлат нуқтаи-назаридан ёндашади. Шахсий намуна кўрсатиб, қисталанг дамларда кишиларга руҳ ва мадад бағишлайди. Умумишдан бўйин товлаган, бўшашувчанликка, лоқайдликка йўл қўйган кишиларга нисбатан муросасиз бўлади.

Айни кўклам. Экинларни суғориш, ўғитлаш, қатор ораларига ишлов бериш қизғин олиб бориларди. Ўшанда Турғун ака колхоз правлениеси ва партия ташкилоти даъватига жавобан оиласи билан ипак қурти парваришлашга киришди. Бригаданинг аксарият кишилари ҳам мураббийдан ибрат олиб, пилакорларга кўмакка ўтдилар.

Тажрибали сабзавоткор Турғун ака Хожиев одамлар таклиф-мулоҳазаларига доимо қулоқ тутади. Уларнинг илтимосларини вақтида бажо келтиришга интилади. Принципиалликни одамларга нисбатан меҳрибонлик билан қўшиб олиб боради. Сидқидилдан тер тўкаётган кишиларни бригада бошлиғи сифатида қадрлайди, эъзозлайди. Район партия комитети соҳибкорнинг узоқ йиллик ҳалол хизматларини инобатга олиб яқинда енгил машина билан мукофотлади. У машинани далага миниб келади. Барча бригадирни янги машина билан қутлашга шай ланишади. Шунда Турғун ака жилмайганча машина калитини оддий колхозчи Насиб Гуломовнинг қўлига тутқазди.

— Насибжон жўжабирдай жон, бунинг устига кейинги ойларда вақт билан ҳисоблашмай, сидқидилдан меҳнат қилянти. Хўжалик раҳбарлари билан келишиб, машинани унга беришга қарор қилдик. Ўшанда бригада аъзолари ўз мураббийларининг фазилатлари билан янада яқинроқ танишгандай бўлишди.

Топширилган иш учун юксак масъулият туйғусини сезиш коммунист Турғун ака Хожиев фаолиятининг мезони. Кўпинча умуммақсад йўлида елиб-югуради. Лозим бўлса раҳбарлар билан ҳам талашиб-тортишишдан тоймайди. Мана ҳозир «Сортсемовош» бирлашмасига учраб, тегишли масалаларни ҳал қилиб келаётганда уруш йиллари орттирган оёқ оғриги яна қўзғаб қолди. Аъзойи баданига тер югурди. оқсоқланиб уйи томон бораркан, ҳосилдан бўшаган ўн гектар ерга ҳамон трактор тушмаганлигини пайқади. «Яна қимматли вақтни зое кетказяпмиз, техникадан унумли фойдаланишни кўпдан эплаштиролмаймиз». У шу сўзларни ҳаёлан такрорларкан, правление биноси томон одимлаб кетди.

...Правление раиси Миржалил ота Мирсоатов кабинет деразасидан ўзи томон келаётган Турғун Хожиевни кўрди-ю, унинг қатъиятлилигига тан берди.

— Хўжалигимизнинг асл кишилари шулар, — деди у ён-веридаги кишиларга. — Қандай яшаш, ишлаш, қурашиш кераклигини шулардан ўрганиш керак. Азамат, у қолоқ бригалага раҳбар бўлиб боргандан буён иш ривожга минди. Муҳими, одамларда ишонч, иштиёқ пайдо бўлди.

Турғун ака раис билан илиқ кўришаркан, ўз бригаси коммунист Озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб улуш қўшиш мақсадида алоҳида гайрат-шижоат кўрсатмоқда. Моҳир чорвадор Моҳира Шодмонхожиева ҳам ўзининг ташаббускорлиги, принципиаллиги билан оғизга тушган коммунистлардан. Мана, у бугун ҳам гайрат билан ишга киришиб, 20 бош сигирдан мўл-кўл сут соғиб олишга эришди.

— Табриклайман, қизим, — деди ферма мудири Носиржон Одилхўжаев. — 41 тонна ўрнига 43 тонна сут топшириб ярим йиллик планни муддатидан илгари бажардинг. Ҳозирча ҳар бош сигир ҳисобига 2200 килограммдан сут тўғри келяпти.

Ферма мудирининг гапларидан кўнгли кўтарилган Моҳира одати бўйича ҳамкасбларининг ишини кўздан кечира бошлади. Сезиб юрибди, кейинги кунларда Шарофат Фармонованинг иши юришмаяпти. Озуқа исроф бўлиб, маҳсулдорлик тобора камайиб борянти. «Унга ҳам қийин, ахир қачон қарама-қарши ишлаш кучайди, партия ички ҳаётининг ленинча нормалари бузилди. Контрреволюция ошкора ҳаракат қила бошлади. Буларнинг ҳаммаси Гданьск соҳилида 1980 йил август воқеаларига олиб келди. Собиқ поляк капиталистлари ва помешчикларининг арзандалари «Бирдамлик» раҳбарларини қўллабқувватладилар. Улар аслида касаба союз бирлашмасини бошқариб, унинг ёрдами билан Польшадаги социалистик тузумни ағдариб ташлашга, мамлакатда капитализмни қайтадан тиклашга интилдилар. «Бирдамлик, қутириб кетган даврда безори унсурлар Польшани озод қилиш учун халоқ бўлган совет солдатларининг қабрлари ва ёдгорликларини ҳақорат қилганлиги биз, уруш ветеранларининг дилини ранжитди.

Б. Брайловский яна қуйидагиларни айтди: биз социализмни ҳимоя қилишга яна отландик. Гитлерчи босқинчиларга қарши жангларда чиниққанимиз туфайли руҳий террор, ўлдириш билан таҳдид қилишларга бардош бердик. Контрреволюция аҳолини террор ва ўлдириш билан чўчитмоқчи бўлган эди. Ташкилотимизнинг аъзолари «Бирдамлик»даги экстремистларни, халқаро империализмнинг халқ Польшасини социалистик мамлакатларнинг қардошлик оиласидан ажратиб кўйиш режаларини дадил фош қилиб ташладилар.

Польшада ҳарбий ҳолатнинг жорий этилиши ғарбдаги диверсиячи марказларнинг фармойиши билан ҳаракат қилган контрреволюцион гуруҳларнинг, «Бирдамлик»даги экстремистларнинг ёвуз режаларини барбод этди.

Польшада вазият аста-секин изга тушиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва мол билан таъминлаш яхшиланаётган, турмуш нормаллашиб бораётган ҳозирги пайтда ҳали тамомила янчиб ташланмаган контрреволюция яна бош кўтариб, тарих ғилдирагини орқага буриб юборишга уринмоқда. Ғарбнинг бузғунчи радио станциялари эртаю-кеч Польшага тухмат тошини ёғдирмоқдалар, мамлакатдаги аҳвол тўғрисида жаҳон жамоатчилигига нотўғри маълумот бериб, яширин шароитда иш олиб бораётган контрреволюционерларга йўл-йўриқ кўрсатмоқдалар.

Ҳозирги мураккаб вазиятда, — деб таъкидлади Б. Брайловский, — биз, ветеранларнинг асосий вазифаси — Совет — Польша дўстлигини пропаганда қилишлан, реакцион унсурлар тарқатишга уринаётган антисоветизм билан қатъий кураш олиб боришдан иборат. Уруш ветеранлари ёшлар билан учрашган вақтда Совет Иттифоқининг, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан катта ёрдам бераётганлиги тўғрисида гапирмоқдалар. Бундай ёрдам бўлмаганида, ғарб давлатларининг катта иқтисодий қамалида қолган Польша яшай олмаган бўлур эди, поляк халқига эса миллий фалокат таҳдид қилган бўлур эди. Биз совет турмуш тарзини пропаганда қилмоқдамиз, ёшларни социалистик принциплар руҳида тарбиялямоқдамиз.

Польша Халқ Республикасининг конституциясида, — деди сўзининг охирида Б. Брайловский, — мамлакатда ҳокимият ишчи ва деҳқонларники, давлат тузуми социалистик тузумдир. Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорлик бу тузум ташқи сиёсатининг негизидир, деб аниқ-равшан ёзиб қўйилган. Биз шу мақсадда уруш майдонларида совет солдатлари билан биргаликда қон тўкдик ва социалистик ватанга ҳеч кимнинг қасд қилишига йўл қўймаймиз.

М. ТРЕТЬЯКОВ,
ТАСС мухбири.

ФЕРМАЛАРГА МУТАХАССИСЛАР

Наманган «Облсельхозтехника»сининг бўлинмалари хўжаликларнинг чорвачилик фермалари учун мутахассислар тайёрлаб бериш тўғрисидаги буюртмасини муддатидан илгари бажардилар. Беш юз нафар йигит ва қиз фермалардаги машина-механизмларга техника хизмати кўрсатувчи созловчи мастер, машинада сут соғиш мастери, ем-хашак тайёрлаш ва тарқатиш бўйича оператор, механизатор ва электр монтёр касбларини эгаллади.

Таълим такомиллаштирилган программага мувофиқ олиб борилди. Бу программада амалий машғулотларга, илғорлар тажрибасини, замонавий, гоят серунум технология машина-ускуналарини ўрганишга алоҳида эътибор берилган. Йигит ва қизлар чорвачилик фермаларига техника хизмати кўрсатувчи станциялар ҳузуридаги ихтисослаштирилган синфларда ўқитилди.

Ҳозир ёш мутахассислар ўқишни тугаллаб, ўз хўжаликларига қайтиб бордилар ва ишга киришдилар.

ПАХТА ЗАВОДЛАРИ УЧУН МАШИНА-УСКУНАЛАР

«Андижонзаготхлопкопром» бирлашмаси Пойтуг ремонт-механика устахоналарининг янги металл конструкциялар цехи илк маҳсулот берди. Бу ерда диаметри ҳар хил трубалар, қуритиш-тозалаш цехларига аталган кескичлар, жин ва линтер машиналар учун арра валлари, шкивлар, болтлар, гайкалар ясалади.

Устахона коллективи ишлаб чиқаришни жадаллаштириш учун кўпгина резервлардан фойдаланяпти. Слесарларининг ташаббусларига биноан бу ерда электр моторларни ремонт қилувчи цех барпо этилди. Энди улар ҳар йили мингталаб кўп моторни тиклаб, ишга жўнатмоқдалар. Айни маҳалда корхона новаторлари турли машиналарни ремонт қилишни ўзлаштирдилар. Бу йил иқтисодий самараси 15 минг сўмга борадиган саккизта рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Корхона новаторларининг ижодий изланишлари устахона коллективлари пахта заводларининг буюртмаларини муддатидан илгари бажаришга имкон бермоқда. СССРнинг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада турган ремонтчилар запас қисмлар тайёрлаш, машина-ускуна узел ремонтини ўтказиш, ўров пўлат лента лари чиқариш муддатини қисқартиришга сўз бердилар.

Йил бошидан бери устахоналарнинг коллективи пахта заводларига миллион сўмлик запас қисмлар, пландан 110 минг сўм кўп ремонтдан чиқазилган машина-ускуналар юборди.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

РЕВОЛЮЦИЯ ҒАЛАБАЛАРИНИНГ ПОСБОНИ

22 ИЮЛЬ — ПОЛЬШАНИНГ ТИКЛАНИШ КУНИ, ПОЛЯК ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

Польша меҳнаткашлари бу йил Польша тикланган кунни, ўзининг буюк миллий байрамини мамлакат контрреволюцион кучларнинг ҳаракатлари натижасида рўй берган анархия ва тартибсизликни аста-секин бартараф қилаётган бир шароитда нишонламоқдалар. Ўтган йилнинг декабрь ойида ҳарбий ҳолат жорий этилганлиги «Бирдамлик» касаба союз бирлашмаси ва бошқа антисоциалистик ташкилотлар раҳбарларининг ошкора фаолиятига чек қўйди. Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, Миллий нажот ҳарбий кенгаши ва Польша ҳукумати томонидан кўрилган тадбирларни барча поляк ватанпарварлари астойдил қўллаб-қувватламоқдалар. Халқ хўжалигида тартиб ўрнатилмоқда, партия ташкилотлари актив иш кўра бошладилар.

Польшанинг тикланиш куни — поляк халқи ҳаётида шонли санадир. Бу сана хусусан поляк халқ қўшини ветеранларига жуда азиздир. Улар совет жангчилари билан биргаликда қаттиқ жангларда қатнашиб, мамлакатни немис-фашист босқинчиларидан озод қилдилар, халққа эркинлик, адолат ва мустақиллик келтирдилар, уларга социализм қуриш йўлини очиб бердилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Совет Армияси сафларида туриб жанг қилган поляк жангчилари кенгашининг раиси истеъфодаги полковник Б. Брайловский билан байрам арафасида учрашишга муяссар бўлдим.

— Бизга, — деб ҳикоя қилади у, — ўз ҳаётимизда кўп нарсани — чекиниш аламларини ҳам, ғалаба шодлигини ҳам татиб кўришга тўғри келди. Бизнинг ораларимизда инсонинг тарихидаги ана шу энг даҳшатли урушда омон қолган кишилар кам. Ҳозирги вақтда ташкилотимизда 10 минг киши бор. Совет — Польша дўстлиги Москва атрофидаги қор босган далаларда, Сталинград ёнидаги ўрушда, Курск дугасидаги оғир жангларда, Польшани гитлерчи босқинчилардан озод қилиш жараёнида чиниқди. Совет Армияси билан биргаликда Польша диёрини озод қилган кишилар бизни ҳурсандчилик билан кутиб олган поляклар-нинг шоду-ҳуррам чеҳрасини асло эсдан чиқармайдилар.

Польша миллий озодлик комитети 1944 йил 22 июлда тарихий манифестни эшиттирди. Бу манифест Польша демократик давлати тузилганлигини, бутун ҳокимият халқ қўлига ўтганлигини эълон қилди. Халқ ҳокимиятини барпо этиш, вайрон қилинган экономикани тиклашнинг қийин даври бошланди. Биз қўлга қурол олиб, яширин шароитда иш олиб борган контрреволюцияга қарши, Лондондаги реакцион муҳожир ҳукумат раҳбарлик қилган шайқаларга қарши шафқатсиз курашдик.

Суҳбатдошим сўзини давом эттириб, бундай деди: поляк халқининг, хусусан ёшларнинг тинч бунёдкорлик меҳнатидаги ғайрат-шижоатни яхши эслайман. Халқ ҳокимияти йилларида жуда катта муваффақиятларга эришилди. Варшава ва Польшанинг бошқа шаҳарлари ҳаробалар устида тикланди. Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ёрдами туфайли қудратли индустрия вужудга келтирилди. Мамлакат қўмир қазиб чиқариш соҳасида Европада иккинчи ўринни эгаллайди. Кўп миқдорда мис руداси ва олтингугурт қазиб чиқарилмоқда. Авиация ва автомобиль саноати, нефть химияси ва шулар каби янги соҳалар вужудга келди. Кемасозлик, машинасозлик, радиотехника саноатида жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Аммо бизда ғарбга хос нуқул истеъмолчилик кайфиятларини пропаганда қила бошладилар. Жамиятда қарама-қаршилик коммунист Озиқ-овқат программасининг бажарилишига мезонсиз улуш қўшиш мақсадида алоҳида гайрат-шижоат кўрсатмоқда. Моҳир чорвадор Моҳира Шодмонхожиева ҳам ўзининг ташаббускорлиги, принципиаллиги билан оғизга тушган коммунистлардан. Мана, у бугун ҳам гайрат билан ишга киришиб, 20 бош сигирдан мўл-кўл сут соғиб олишга эришди.

— Табриклайман, қизим, — деди ферма мудири Носиржон Одилхўжаев. — 41 тонна ўрнига 43 тонна сут топшириб ярим йиллик планни муддатидан илгари бажардинг. Ҳозирча ҳар бош сигир ҳисобига 2200 килограммдан сут тўғри келяпти.

Ферма мудирининг гапларидан кўнгли кўтарилган Моҳира одати бўйича ҳамкасбларининг ишини кўздан кечира бошлади. Сезиб юрибди, кейинги кунларда Шарофат Фармонованинг иши юришмаяпти. Озуқа исроф бўлиб, маҳсулдорлик тобора камайиб борянти. «Унга ҳам қийин, ахир қачон қарама-қаршилик кераклигини шулардан ўрганиш керак. Азамат, у қолоқ бригалага раҳбар бўлиб боргандан буён иш ривожга минди. Муҳими, одамларда ишонч, иштиёқ пайдо бўлди.

Турғун ака раис билан илиқ кўришаркан, ўз бригаси коммунист Озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб

ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

Юксак турмуш маданияти учун

Бугунги кунда ҳаёт, жамият воқеа-ҳодисаларига актив муносабатда бўлиш, моддий ва маънавий бойликлар яратишда фаоллик ҳар бир кишининг юксак гражданлик бурчи ва инсоний фазилати ҳисобланади. Қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш ҳам ана шу масалаларнинг таркибий қисмини ташкил этади. Зеро, КПСС XXVI съезди, партия ва ҳукуматимизнинг қатор қарор ҳамда ҳужжатларида аҳоли турмуш маданиятини яхшилаш, меҳнаткашларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини ошириш сингари вазифаларни амалга ошириш алгари сурилган.

Маданий-оқартув муассасаларининг аҳолига хизмат қилиш бўйича иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш, айниқса, клублар фаолиятини активлаштириш, уларнинг қоғозий-тарбиявий вазифаларини бажаришдаги фаолиятига амалий методик ёрдам кўрсатиш юқоридаги масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ана шу ишларни амалга ошириш мақсадида Халқ ижоди ва маданий-оқартув ишлари республика илмий-методик маркази мутахассисларидан М. Печёшкина, Л. Азаматова, ёш рассомлардан Н. Акромов, З. Жошқулов, И. Имайдиновлардан иборат бригадани яқинда Сурхондарё областига сафарбар этганди. Бригада аъзолари областдаги маданий-оқартув муассасалари иш фаолияти билан танишиб, уларга амалий жиҳатдан методик ёрдам кўрсатиш бўйича иш плани тузишди. Планда инсоннинг қоғозий активлиги, интернационал бурчга садоқатлигини оширишга таъминлашга қаратилган тадбирлар ўз акси топди.

Методик ёрдам кўрсатиш бригадаси аъзолари, Халқ ижоди ва маданий-оқартув ишлари область илмий-методик маркази директори М. Абдулхаев билан бирга Денов, Гагарин, Жарқўрғон районлари маданият уйлари, Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози, Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхози клубларида бўлиб, бу муассасалар иш планларидаги қатор камчиликлар, жумладан, клуб биносининг ташқи ва ички томондан безалиши давримиз талабларига жавоб бермайдиган даражада экани, тўгараклар машғулотларини ўтказишга мўлжалланган хоналардан нотўғри фойдаланилаётгани сингари нуқсонларни аниқладилар. Бригада аъзолари область маданият бошқармаси билан келишган ҳолда аҳолининг турмуш маданиятини кўтариш алоҳида ўрин эгаллашини назарда тутиб, хўжалик вазифаларини эътиборга олиб, клубда иш планлари аниқ темаларда йиллик, квартал, ойлик, сиёсий ва хўжалик кампанияларига мўлжаллаб бир неча хилда тузилиши лозимлигини уқтириб, амалий жиҳатдан ёрдам бердилар. Айни пайтда турли кўргазмалар ташкил этиш ва бадиий ҳаваскорлик коллективлари фаолиятини активлаштириш мақсадида, Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхози клуби ва Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози клубларига методик жиҳатдан ёрдам кўрсатишди.

Амалий методик ёрдам кўрсатиш бригадаси аъзолари томонидан бажарилган ва бажариладиган ишлар бундан кейин ҳам қишлоқда турмуш маданиятини юксалтиришда, одамлар тарбиясига комплекс ёндашишда, область, клуб муассасалари фаолиятларини янада активлаштиришда яхши самара бериши турган гап.

У. ОБИДОВ,
Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг ходими.



Ғалаба районидаги Димитров номли колхознинг марказий посёлкаси йилдан-йилга гўзаллашиб бормоқда. Бу ерда қад ростлаётган турар-жой бинолари, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари посёлка чиройига чирой қўшмоқда.

Суратда: марказий посёлканинг кўриниши.

В. Скроткин фотоси.

ЕЗ ЎТМОҚДА СОЗ

САНАТОРИЙ БАҒРИДА

Республикамиз пионер ва ўқувчилари каби Наманган область Чортоқ районидаги қишлоқ меҳнаткашларининг фарзандлари ҳам ўз ёзги каникулларини мароқли ўтказиш-моқда. Уларнинг аксарияти областнинг ҳушманзара, соғлом ерларига жойлашган пионер лагерларида мазмунли дам олишаётган бўлса, қолган қисми ёзги таътилларини район маркази — Чортоқ шаҳридаги болалар санаторийсида ўтказмоқдалар.

Бу ерда болаларнинг саломатликларини тиклаб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча зарур шароитлар муҳайё этилган. Чунончи, болалар ўлкашунослик, ёш табиатшунослар, бадиий ҳаваскорлик сингари жами 6 та тўгарак машғулотларида актив қатнашмоқдалар. Хилма-хил адабиётларга бой кутубхона ҳам дам олувчилар ихтиёрида. Тез-тез ўтказиладиган тематик кечалар, меҳнат ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан учрашувлар, поход ва сайҳатлар ҳам болаларда унутилмас таассурот қолдирмоқда.

Оромгоҳда ҳозиргача 450 нафар ўғил-қиз саломатлигини мустаҳкамлаб, мазмунли дам олди. Мавсум охиригача яна шунча боланинг дам олиши мўлжалланмоқда. Санаторийдаги ташкилий ишларнинг яхши йўлга қўйилиши, пионер ва ўқувчиларнинг намунали ҳордиқ чиқаришлари учун барча зарур шароитларнинг яратилишида 34 нафар педагог ва студентнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу борада, айниқса, С. Ҳайитов, Р. Каримов, И. Комилов ва О. Ҳамидов каби тарбиячи-педагоглар бошқа касбдошларига ибрат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Д. ЮСУПОВА.

САЛОМАТЛИК ВА ДАРМОНДОРИЛАР

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

Саломатлик — туман бойлик, дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Инсон саломатлиги ва жисмоний жиҳатдан ривожланиши аввало унинг овқатланишига қараб белгиланади. Ўз навбатида таомнинг физиологик қиммати унинг таркибидаги дармондорилар билан чамбарчас боғлиқ. Дармондорилар инсон айрим органлари ва умуман, бутун организмнинг нормал ҳаётий фаолиятини сақлаб, қувват бахш этувчи неъматлардир. Дармондорилар организм учун жуда зарур бўлиб, модда алмашинуви ва бошқа жараёнларда қатнашади.

Овқати таркибида дармондориларнинг бўлмаслиги ёки етишмаслиги инсоннинг жисмоний аҳволига салбий таъсир этиб қолмай, балки кўп ҳолларда уни турли хасталикларга чалинишига сабаб бўлади. Бинобарин, витаминларнинг ўзи ҳам лотинча «вита» сўзидан олинган бўлиб, «саломатлик» деган маънони билдиради.

Инсоннинг дармондориларга эҳтиёжи унинг ёши, бажарадиган иши ва физиологик ҳолатига боғлиқ. Киши у ёки бу касалликка чалинганда, айниқса, юқумли ва ошқозон-ичак хасталиклари билан оғриганда организмдаги витаминлар тезроқ парчаланиб кетади. Бинобарин, бундай кезларда бемор организмида дармондориларга эҳтиёж янада кучаяди.

Табиийки, дармондорилар инсон организмида ўзидан-ўзи пайдо бўлмайди, балки овқатлар билан бирга қабул қилинади. Инсон организмида дармондорилар доимо мавжуд бўлиши керак. Дармонсизлик, яъни организмда витаминсизлик ҳолатининг кечиши кўпинча баҳор фаслида яққол сезилади. Шу боиса ҳам ана шу кезларда кишининг куч-қуввати бирмунча камаяди, қуввати охирига бориб эса у толиқиб, чарчайди.

Инсонлаги кўриш қобиляти нормал бўлиши учун А витамини зарур. Унинг етишмаслиги эса кўриш қобиляти пасайтиради, организмнинг ўсишини тўхтатади. Айни пайтда юқумли хасталикларга қарши курашиши ҳам камайтиради. А витамини сариёғ, сут, печенье, балиқ ёғи, шовул, ширс, сабзи ва бошқа маҳсулотларда бўлади.

B_1 витамини организмдаги оқсил ва углеводларнинг нормал алмашиниб туриши учун керак. Унинг етишмовчилиги оқибатида асаб системаларининг фаолияти бузилади, одамда сержаҳллик аломати пайдо бўлиб, иштаҳси бўзилади. Бу хилдаги витаминларга дуккакли маҳсулотлар, ёрмалар, айрим, нон маҳсулотлари бой бўлади. 700—800 грамм ўртача оқлиқдаги нонда бир кунлик учун лозим бўлган миқдорда витамин мавжуд. Сутка мобайнида эса организм учун 1—3 миллиграмм ана шундай витамин зарур.

B_2 витамини модда алмашинувини яхшилашга хизмат қилади. Унинг инсон иштаҳасини қондириш учун таомда етишмаслиги қон таркибининг ўзгаришига олиб келади. Бу дармондори B_1 витаминига эга бўлган маҳсулотларда мавжуд ва инсон организми учун сутка мобайнида худди ўша миқдорда дарқор.

B_{12} витамини қонни кўпайтириш жараёнида қатнашади ва у организмда лозим бўлган даражада бўлмаса, одамда камқонлилик юз беради. У печенье, гўшт, жигар, балиқ ёғи таркибида бўлади. Мазкур дармондори медицина препарати сифатида камқонлилик хасталигининг айрим кўринишларини даволашда қўлланилади.

Д витамини ҳам инсон саломатлигини мустаҳкамлашда зарур бўлган дармондорилардан ҳисобланади. У кальций ва фосфор тузларини ўзлаштиришни таъминлаган ҳолда суякларнинг ўсишини тезлаштиради. Бу дармондорининг камчиллиги натижасида организмда ўсиш тўхтаб қолади. У суяклар синган пайтларда уларнинг тезроқ битиши, бирикишига ёрдамлашади. Д витаминининг зарур миқдори тухум, печенье, балиқ ва балиқ мойида мавжуд.

С витамини (аскорбин кислотаси) организмдаги моддa алмашинуви жараёнида катта роль ўйнайди. Агар мазкур дармондори етишмай қолса, кишида умумий ланжлик, бўшашиб кетиш ва тезда толиқиш ҳолатлари сезилади. Шу билан бир қаторда бундай пайтларда организмда юқумли хасталикларга қаршилик кўрсатиш ҳам кескин сусаяди. Бу дармондорининг узоқ муддат етишмаслиги цинга касаллигига олиб келади. С витаминининг асосий манбаи ўсимлик маҳсулотлари: янги ва нордон карам, шовул, картошка, ширс, наъматак, қора смородина, тоқ барги ва бошқа қўкатларда мавжуд. Инсон организмида суткасига давомида бу дармондорига бўлган эҳтиёж 50—150 миллиграммдир.

РР витамини организмдаги модда алмашинуви жараёнини маълум тартибга солиб туради. Бу дармондорининг организмда муайян даражада бўлмаслиги оғир — пеллагра хасталигига олиб келади. Бунда инсоннинг қўл-оёқлари терисида жароҳатланиб, турли яра-чақалар пайдо бўлиб, бу ҳолатлар унинг психикасига салбий таъсир этади. Айни чоғда ушбу витаминнинг етишмаслиги оқибатида ошқозон-ичак йўллари ҳам бузилиши мумкин. Бу хилдаги дармондорилар гўшт, печенье ва ёрмалардан тайёрланган хилма-хил таомларда бўлади. Суткалик эҳтиёж эса 20 миллиграммни ташкил этади. Юқоридагилар билан бир қаторда шуни қўшимча қилиш лозимки, яқинда олимлар айрим сабзавотларда янги У витамини мавжудлигини аниқлади. Чунончи, бу витамин карам шарбатида кўп миқдорда борлиги амалда синаб кўрилди. У қатор хасталиклар, жумладан, ошқозон яраси касаллигини даволашда муҳим аҳамиятга эга.

Инсон саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилувчи дармондорилар консервалаштирилган таомларга нисбатан янги маҳсулотларда кўп бўлади. Бу хилдаги таомларни нотўғри пишириш, уларни узоқ сақлаш витаминларнинг парчаланиб кетишига олиб келади. Буни организмизда дармондорилар катта эҳтиёж сезиладиган қиш фасли учун турли таомлар тайёрлаб қўйилаётган ҳозирги пайтда, айниқса, ёдда тутмоқ лозим. Токи тўрт фаслда ҳам инсон организмининг узоқ муддат дармондориларга эҳтиёжи ўз пайтида қондирилиб турилсин. Бинобарин, унинг саломатлиги доимо сақлансин.

П. ЛИТВИНЕНКО,
шифокор.

Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхози меҳнаткашларининг қариб 600 нафар ўғил-қизи ўз ёзги таътилини Кўҳитанг тоғлари бағридаги пионер лагерида мароқли ўтказмоқда. Бу ерда ўқувчиларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча зарур шароитлар яратилган. Кенг ва ёруғ хоналар, спорт майдончаси, кино-концерт зали ва сув ҳавзаси улар ихтиёрида.

Суратда: оромгоҳда дам олаётган болалар походда.

И. Хўжаев фотоси. (ЎзТАГ).

Ахборот

ҲАМҚИШЛОҚЛАР ХОТИРАСИ

Балиқчи районидаги Куйбишев номли колхоз марказида шу хўжаликдан Улуғ Ватан урушига кетиб, она-Ватан учун жон фидо қилган ўғлонлар хотирасига ёдгорлик комплекси барпо этилди.

Едгорлик комплексининг олд томонида бир қўлида автомат, бир қўлида эса бош кийимини ушлаб марҳумлар рўйҳатига тикилганча бош эгиб турган совет жангчисининг ҳайкали қўйилган Махсус супага урушда ҳалок бўлган 178 нафар азаматнинг исм ва фамилияси зарҳал ҳарфлар билан ёзилган.

Ҳозир бу ерни зиёрат қилиш учун келаётган нуроний отахон ва онахонлар, уруш, ва меҳнат ветеранлари, ёшлар ҳамқишлоқлари хотирасига таъзим қилиб, ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйишмоқда.

«ТАРОНА» ТАРОНАЛАРИ

Район маданият уйи қошидаги «Тарона» бадиий ҳаваскорлик ансамбли коллективи янги концерт программасини пахтакорларга бағишлади.

«Оқ олтин» ижодкорлари меҳнатни мадҳ этувчи қўшиқ, куй ва рақслардан тайёрланган программаси дастлаб Максим Горький номли совхознинг КПСС XXVI съезди делегати Эътиборхон Турғунова бошлиқ бригадаси далаларида намойиш этилди. Хушовоз хонандалардан Одилжон Юсупов, Набижон Сойназаров ижросидаги қўшиқлар, Санобар Аҳмедова ижро этган рақслар пахтакорларга манзур бўлди.

ИЎЛОВЧИЛАР ХУРСАНДИ

Чинободдаги 102-автокорхона автобусларининг маршрути яна биттага кўпайди. Ўрмонбеқдан район маркази — Балиқчига автобуслар қатнови йўлга қўйилди.

Эндиликда Чинободдаги автокорхонанинг белгиси туширилган автобуслар районнинг бошқа қишлоқларига, Андижон, Наманган, Марғилон, Шаҳрихон, Ҳаққулобод шаҳарлари, қўрик Комсомолобод райони маркази ва совхозларига қатнамоқда.

А. ВАҲОБОВ,
М. КАРИМОВ.

МУСИЧА

ЛИРИК ЛАВҲА

Мендельсон музикалари қандай майин ва тиниқ! Тинглаганингизда сеҳрли садолар қалбингизни аллалайди, ширин ҳаёлларга чўмасиз, қувонч, соғинич хиссиётлари вужудингизни қамраб олади. Қиш кунлари қисқа эмасми, ҳаш-паш дегунча кеч киради. Деразаларда чироқлар кўринади. Қор парчалари қўча чироқлари нурида капалаклар, парвоналардай ўйнай бошлайди.

Музика ниҳоясига етади. Магнитофон дастаси чиқиллайдию хонага жимлик чўкади. Бундай пайтларда кимнидир, ниманими интизор бўлиб кутасиз. Ҳаммаёқ жим-жит, деворда соат чиқиллайди, холос. Шу пайт дераза орқасидан ҳозиргина янграган музика садоларига тақлид қилувчи хазин, майин овоз эшитилади. У тоғдан оқиб тушаётган, тошлар орасидан ўзига йўл очишга интилаётган булоқ сувининг шилдираши сингари қўйилиб келади.

Мен дераза пардасини очиб қарадим. Иккита мусича чироқнинг ҳира нурлари остида бир-бирининг пинжига кириб, дарахт шохига қўниб турарди. Дераза дарчасини очдим. Хонага мусаффо ҳаво, енгил шабада мусичаларнинг сайрашини олиб кирди. Мен улардан кўз узолмай қолдим. Кумушсимон бўйинлари титраб, кўкраклари каштан меваси-ни эслатар эди.

Мусичаларга маҳлиё бўлиб қарар эканман, бу қушларга эътибор бермаслигимизга афсусланиб кетдим. Уларни деярли ҳар куни учратамиз, ҳовлиларда, боғларда, шаҳарнинг шовқинли майдонларида учиб-қўниб юришади. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деб шуни айтишса керак-да! Мусичалар одамларга ўрганиб кетишган. Деярли ҳайиқишмайди.

Шаҳар мусичалари... Шулар эмасмикан чарх уриб учадиган, гўзаллик конкурсларида ҳаммани ҳайратга соладиган оқ ва кўк каптарларнинг чайкаларнинг тўнғич авлоди! Бу қушларнинг чарх уриб учиши муз устида хиром қилувчи рақосаларни эслатади. Улар болаларга ҳам, катталарга ҳам бир хилда завқ-шавқ бахш этади.

Бу камсуқум парранда-ларнинг ҳаёт тарзи осон эмас. Дон қидириб, қанчадан-қанча масофаларни кезиб чиқади. Уларни ҳар қадамда хавф-хатар кутади. Атрофимиздаги кўп эзгу нарсаларни ўз вақтида пайқамаймиз, уларни билиб олганимизда эса анча фурсат ўтган бўлади. Шу сабабли ҳам мусичалар юрагимга яқин бўлиб қолди.

Мен дераза тагида туриб мусичаларнинг сайрашини тингладим. Тасаввуримни ранг-баранг гулларга кўмилган боғлар, пушти гулли шафтолизорлар, ариқчада дарахтларга оби-ҳаёт бахш этиб шилдираб оқаётган тиниқ сувлар, йўлкаларга тўкилган гуллар поёндози устидан қўл ушлашиб, ширин ҳаёллар оғушида кетаётган ошиқ-маъшуқалар пайдо бўлди.

Эрталаб тахтачалардан уяча ясаб, ичига дон сепиб деразам рўпарасидаги дарахтга илиб қўйдим. Шундан сўнг мусичаларнинг янгроқ сайрашини ҳар куни тинглай бошладим.

Н. КРАСИЛЬНИКОВ.

ҚИРҒОВУЛЛАР ЧЎЧИМАЙДИ

Қирғовуллар Туркманистондаги Чаржўй-Карки гавжум автомобиль йўлида қатновни бузса бўладими! Улар йўлни кесиб ўтиб, ҳеч нарса бўлмагандек унинг четида қаторлашиб турди ва ўтаётган транспорт оқимини кузата бошлади. Ҳайдовчилар ҳайрон эдилар: моторларнинг шовқини ҳуркак қушни сира ҳам чўчитмасди.

—Одатда қирғовуллар салгина хавф-хатар бўлдими, тўқайлар ичига кириб кетади ёки учиб кетади, —дейди бу фактни шарҳлаб, Қорабековул район ўрмон хўжалигининг бошлиғи А. Эшонқулиев.—Лекин кейинги пайтларда паррандалар одамга тобора кўпроқ кўникиб қарамоқда. Шу ишда егерларимизнинг, шунингдек табиатни муҳофаза қилишда кўп ёрдам берадиган аҳолининг хизматлари катта.

Яқиндагина Туркманистон қўлгина районларининг территориясида қирғовуллар оз эди. Аммо кўплашиб ғайрат кўрсатиш, хўжаликларда фазанаршилар барпо этиш туфайли кейинги икки йил ичида паррандалар сони қариб уч баравар кўпайди.

(ТАСС мухбири).
Ашхобод

ИЛГАРИЛАБ КЕТИШДИ

Киев ва Минскнинг «Динамо» командалари ўртасидаги учрашув билан навбатдаги тур баҳслари бошланди.

Шуни таъкидлаш керакки, бу турнирда ўтказилган учрашувларга кўра, ҳар иккала коллективда ҳам йўқотилган очколар теппа-тенг эди. Бунинг устига минсклик футболчилар мамлакат чемпионатида пешқадамлик қилаётган бўлишса, киевлик чипор тўп усталари сўнгги уч учрашувни муваффақиятли ўтказиб, ўз мавқеларини тобора яхшилаб боришаётганди. Шу боисдан ҳар иккала коллектив ўртасидаги учрашув қизиқарли ўтиши, ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлиши кутилган эди.

Аслида ҳам шундай бўлди. Аммо ёмғирнинг ёғиб туриши футболчиларга ўзлари ишлаган комбинацияларни ниҳоясига етказишга ҳалақит берди. Натижада биринчи бўлимда ҳисоб очилмай, 0:0 лигача қолди.

Иккинчи бўлим ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди. Шуни айтиш кифояки, иккинчи бўлим бошланганидан кейин 3 минут ўтар-ўтмас майдон эгаларининг ярим ҳимоячиси Баль меҳмонлар дарвозабонини Курбнко хатосидан фойдаланиб, ҳисобни очди. Шундан кейин минсклик футболчилар ташаббусни қўлга олиб, майдонда фаол ҳаракат кила бошладилар. Кўп ўтмай, уларнинг марказий ҳимоячиси Курненин жарима тўпини аниқ бажариб, ҳисобни тенглаштирди. Бу меҳмонларни илҳомлантириб юборди. Улар бир-бирларига тўпни бехато узатиб, мезбонлар дарвозаси олдида тез-тез хавфли вазиятлар содир қилиб туришди. Ана шундай вазиятлардан бирида ярим ҳимоячи Прокопенко тўпни дарвоза тўрига йўллаб, ўз командасини олдинга олиб чиқди. Оқибатда қизиқарли ўтган бу учрашув минсклик динамочилар фойдасига 3:2 ҳисобида тугади. Бу ғалабадан кейин улар ҳисобидаги очколар 23 гага етиб, якка карвонбоши бўлиб олишди.

Шуни эслатиб қўйиш керакки, қолган учрашувлар эртага 23 июль куни бўлиб ўтади. Шу куни пахтакорчилар ўз майдонларида Ленинграднинг «Зенит» командасини қабул қилишади.

ҚИЛИЧБОЗЛАРИМИЗ — ЧЕМПИОН

Маълумки, шу кунларда Италияда қиличбозлик бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Унда мамлакатимиз спортчилари муваффақиятли қатнашмоқдалар.

Шахсий биринчилик учун бўлган мусобақаларда вакилларимиздан Александр Романьков билан Виктор Кровопусковлар жаҳон чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлишган эди.

Куни кеча рапира бўйича бўлиб ўтган команда биринчилигида ҳам мамлакатимиз қиличбозлари муваффақиятли қатнашдилар. Улар финалда Франция командасини мағлубиятга учратиб, олтин медаллар соҳиби бўлишди.

Шунисе қувончлиги, командамизнинг бу муваффақиятида тошкентлик Виталий Логвининг ҳам ҳиссаси бор.

ИШОНЧНИ ОҚЛАШЯПТИ

Шу кунларда ёшларнинг III Бутуниттифоқ спорт ўйинлари қизғин давом этмоқда. Уларда қатнашаётган республикамиз вакиллари қувончли ютуқларни қўлга киритяпти-лар.

Ёш кўшинимиз — Қозоғистон ССР пойтахти Олмаота шаҳрида сув тўпи бўйича финал мусобақалари ниҳоясига етди. Республикамиз ватерполчилари 9 очко жамлариб, фахрли учинчи ўринни эгаллашди. Биринчи-иккинчи ўринлар эса Қозоғистон ва Украина командаларига насиб этди.

Киев шаҳрида сузиш бўйича бўлиб ўтган мусобақаларда республикамиз спортчилари умумкоманда биринчилигида 6-ўринни эгаллашди. Республикамиз вакили Е. Сергеева 100 метрга қизлар ўртасида брасс усулида сузиш баҳсларида маррага иккинчи бўлиб етиб келди ва кумуш медаль билан тақдирланди.

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

ЭЗГОРИ ЭКРАНДА

ЖУМА

23 ИЮЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Илмий-оммабоп фильмлар программаси.
10.15 «Мен ўз диёримни севаман». Фильм-концерт.
11.05 Болалар учун фильм. «Ёпиқ шаҳар».
12.15 «Музей ва кўргазма зallари бўйлаб».
12.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 СССР Ҳарбий-Денгиз флоти кунига. «Океандаги вахта». Телевизион ҳужжатли фильм.
16.15 «Рус тили».
16.45 «Қўшиқларимиз сенга, мамлакат». Фильм-концерт.
17.10 «Подмосковье. Озиқ-овқат программаси амалда».
17.40 «Шахмат мактаби».
18.10 «Оддий мўъжизалар».
18.40 «Миср: йиллар ва муаммолар».
19.00 «Ўрмон қучоғида». Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Москва бўйлаб сайр». Телевизион ҳужжатли фильм.
19.40 «Халқ чолғулари садолари». Зарбли асбоблар.
20.30 «Бешинчи баҳор». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 М. Горький номли Москва Бадиий Академик театрида ёш ишчилар, колхозчилар, студентларнинг СССР Москва Бадиий Академик театри ҳузуридаги В. Немирович-Данченко номли мактаб-студиясининг битирувчилари билан учрашуви.
23.00 «Дунё воқеалари».
23.20 Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Киносаёҳатчилар клуби».
19.50 «Ерда, осмонда ва денгизда».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «1982 йил қўшиқлари». Ереванда олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Учинчи ўлчаш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. «Трап қирғоқда қолади»

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Болалар учун концерт [такрорий]
12.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
12.30 «Тиль ҳақида афсона». 2-фильм. «Яшасин, қашшоқлар». 2-серия.

* * *

17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 «Айиқ ва қуён». Мультфильм.
18.05 «Шеърият дафтаридан». Ўткир Рашид.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби».
18.45 «Ахборот» [рус.].
19.00 «Ҳамкорлик шартномаси—амалда». «Тошкент тўқимачилик комбинати: реконструкция муаммолари». «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси ва Ўзбекистон телевиденнесининг биргаликдаги рейди.
19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Зенит» [Ленинград]. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот».
21.15 «Тоғ қўлларининг сири». Ҳужжатли фильм [«Ўзбектелефильм»].
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 Алп Жамол. «Ғиғизон». Телевизион миниатюралар театрининг спектакли.
24.00 Янгиликлар.

«ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ» «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босма хонаси. Тошкент шаҳри. Инде кс 64543. А. 1973. Р. 13397 14